Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 25 (7. 967) ◆ 1992 йил 5 февраль, чоршанба ◆ Нархи 50 тийин

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВнинг Давосда (Швейцария) жаҳон иқтисодий анжуманида 1992 йил 2 февралда сўзлаган нутқи

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Иқтисодий анжуман ташкилотчиларидан, сиздан, доктор Г. Киссинжер, анжуман ишида қатнашиб, сизларни янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси билан таништириш имкониятини берганлигингиз учун миннатдорман. Бу республика ҳудуди Франция ҳудудига тенг бўлиб, унда 21 миллиондан кўпроқ одам — юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди.

Қадимий маърифат ва маданиятга, ноёб табиат-иқлим шароитига, олтин, қимматбаҳо, нодир ва рангли металларнинг, газ, кўмир ва бошқа минерал-хом ашё ресурсларининг жуда бой заҳираларига эга бўлган бу ўлка пахта, пилла ва қорақўл етиштиришда жаҳонда тўртинчи ўринда, полиз-сабзавот маҳсулотлари, мева ва узум етиштиришда етакчи ўринда турибди.

Жуда бой иқтисодий, ижодий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган республика ўйламан хўжалик юритиш ва казарма социализми нималигини бошидан кечирди ва аслида ана шундай хўжалик юритиш ва казарма социализмини синаб кўриладиган майдонга айланиб қолди. Бунинг оқибатида ҳозир республиканинг иқтисодиёти бузилган ва у хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, аҳолининг энг оддий эҳтиёжларини қондиришга ҳам қодир эмас, энг асосийси шундаки, жумҳурият собиқ марказдан ва бошқа ривожланган минтақалардан тайёр маҳсулот етказиб берилишига бутунлай қарам бўлиб қолган.

Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда бўлгани каби республикамизда чор Россияси босиб олгандан сўнг совет ҳокимияти йилларида ҳам бу стратегия ўзгармади. Баъзи бировлар республикамиз ҳозир ҳам хом ашёнинг энг бой арзон заҳираларини етказиб берадиган манба, ўзига ажратилган вазифани итоаткорлик билан бажарадиган минтақа бўлиб қолишини истайди.

Бироқ ўзингизга маълумки, вақт ўзгарди ва энди ўтмишга қайтиб бўлмайди. Биз ҳозир ҳаммамиз Қўшма Штатларнинг Президенти жаноб Буш ибораси билан айтганда, «коммунизмдан демократияга, буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан эркин бозорга, авторитарликдан эркинликка сакраб ўтиш, янги дунё бўсағасида турибмиз».

Ҳозирги вақтда бизнинг асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий ва иқтисодий танглик ҳолатидан чиқиб олиб ўз қиёфамизга, бунинг устига очиқ ва равшан қиёфамизга эга бўлиш, ўз маънавий-миллий қадриятларимизни тиклаб, миллатларарО ва фуқаролар тотувлигини таъминлаш, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига кафолат бериладиган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олишдир.

2. Текинига тайёрлик психологиясидан, текисчиликдан ҳалос бўлиш, меҳнатнинг замонавий омилларини одамлар онгига сингдириш, ишбилармонлик ва хусусий мулкка эркинлик бериш. Ишбилармонлик ва хусусий мулксиз янги жамиятни қуриб бўлмаслигини тушунамиз.

3. Иқтисодиётни мафкуралаштиришдан, жамиятни эса фақат бир мафкуранинг зўрлигидан тўла-тўкис ҳалос этиб, ажралиб қолиш ва маҳдудликни тугатиш ҳамда жаҳон иқтисодиётига қўшилишни таъминлаш.

4. Аниқ вазиятни, миллий хусусиятларни, минтақада асрлар давомида таркиб топган турмуш тарзини ҳисобга олиб жиддий ижтимоий ларзаларсиз бозорга ўтиш.

Бу соҳада ана шу қийин ва оғир йўлни босиб ўтган давлатларнинг тажрибасини эътиборга олиш ғоят муҳим эканлигини тушунамиз ва уларнинг ёрдами ва мададига муҳтожмиз, албатта.

Шуни олдиндан айтиб қўяй, республика парламенти қабул қилган бизнесни, ишбилармонликни, ҳорижий сармояларни рағбатлантириш, янги банк — кредит тизимини барпо этиш, мулкни хусусийлаштиришга доир ва бошқа қонунлар мажмуида биз «велосипедни кашф этганимиз йўқ», кўп нарсани Буюк Британия, Жанубий Корея, Сингапур ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг тажрибасидан олдик.

Туркия модели бизга мақбул бўлмоқда. У маънавий, миллий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам бизга яқинроқ бўлиб, биз ана шу моделга амал қилмоқчимиз.

Эркин бозор изига мустаҳкам ўтиб олишимиз учун ва бунинг учун кадрлар тайёрлаш ишида биз ҳар қандай ёрдамни миннатдорчилик билан кутиб оламиз.

Иқтисодиётимизни, бойликларимизни ҳорижий компанияларга очиб бериш, бозор иқтисодиёти тузилмаларини барпо этиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ кўп иш қилинмоқда. Биздаги мавжуд олтин заҳиралари Ўзбекистонни ривожлантиришга ўз сармоясини қўшиш истагини билдирган барча кишилар учун энг ишончли кафолатдир. Бу олтин заҳираларини ҳудудимизда ҳорижий сармоя ёрдамида амалга ошириладиган лойиҳалар кафолати сифатида энг нуфузли халқаро банкларга қўямиз.

Ўзбекистонда янги жамиятни барпо этиш йўлида қилинаётган ҳамма ишларни халқаро ҳамжамият тушуниб етиши ва унга мадад беришига ишонишни истаймиз. Менинг энг катта истагим — мен буни самимий айтяпман — мухтарам хонимлар ва жаноблар, сизларни Ўзбекистон диёримида кўришдир.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўрта Осиё автоматика заводида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳамдўстлик мамлакатларининг турли чеккаларига юборилмоқда.

СУРАТДА: ана шу корхонанинг бригада йиғувчиларидан Н. Сайдуллаев, Э. Лазарева, Х. Иброҳимов ва Т. Юровицкаялар. Улар зиммаларидаги вазифани сифатли адо этишмоқда.

Андрей Пишненко сурати.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

◎ Навоийда Дамхўжа сув қувури ишга туширилди. Пўлат қувурлар эндиликда бу ерга бир кеча-кундузда 78 минг куб метр артезиан сувини олиб келади.

◎ Тошкент давлат шарқшунослик олийгоҳи собиқ Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи биноларини эгаллади. Эндиликда бу ерда бўлажак дипломантлар ва иқтисодчилар, журналистлар, тарихчилар, диншунослар, шарқшунослар таҳсил олади.

◎ Қорақалпоғистондаги кучли сув тошқинидан сўнг хонадонларини тарк этишга мажбур бўлган Бўзатов районининг аҳолиси қишлоқларига қайтиб кела бошладилар. Бошпанасиз қолган кишиларга вақтинча вагон-уйлар берилди. Келажакда бу ерда янги уй-жойлар қурилади.

ҲАМДУСТЛИКДА

◎ Киевда Украина, Озарбайжон ва Эрон ислом республикаси ўртасида 29 январда имзоланган битимга мувофиқ шу йилнинг ўзида Эрондан Украинага Озарбайжон орқали 3 миллиард куб метр газ ва 4 миллион тоннадан кўпроқ нефть келади.

◎ Россия ҳукумати 10 февралдан бошлаб ички ва республикаларо пўлат йўлларда йўловчилар ташиш учун кира нархини уч баробарга оширишга қарор қилди.

◎ Грузия Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ кечадан бошлаб республиканинг бутун ҳудудида уй-жойни давлат тасарруфидан чиқариш бошланди. Бу қарорга кўра уй-жой Грузия фуқароларига ҳоҳишларига кўра шахсий мулк сифатида бепул берилади. Бунинг учун ўртача 500—600 сўм миқдорида давлат божи тўланса кифоя.

◎ Украина Президенти Леонид Кравчук ҳозир Сибирь ва Ўрта Осиёда истиқомат қилаётган немис миллатига мансуб кишиларни ўз республикасига доимий яшаш учун таклиф қилди. Уларга Херсон, Николаев, Днепропетровскда, шунингдек Қримда энг унумдор ерлар ажратилишига ваъда берилди.

◎ Озарбайжон билан Арманистон Россия ташқи ишлар вазири А. Козиревнинг Москвада Тоғли Қорабоғ муаммоси юзасидан музокаралар ўтказиш бўйича таклифини қабул қилдилар. Ушбу музокаралар келгуси ҳафтада ўтказилиши мўлжалланмоқда.

ХОРИЖДА

◎ АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер келаси ҳафтада Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда бўлиб, мазкур давлатларнинг раҳбарлари билан музокаралар ўтказишни режалаяпти.

◎ Европарламент раиси Эгон Клепшнинг таклифига биноан Россия Президенти Борис Ельциннинг номзоди 1992 йилги Нобель тинчлик мукофотига қўйилди. Буни ушбу мукофот комитетининг котиби Гейер Лундестад тасдиқлади.

◎ Истанбулда Озарбайжон, Молдова, Россия, Руминия, Туркия, Арманистон, Болгария, Грузия ва Украина вакиллари Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

◎ Японияннинг энг йирик автомобиль компанияларидан бири — «Тойота—моторс» шу йилнинг ўзида Москва, Киев, Иркутск ва Пермда ўз автомобилларига техника хизмати кўрсатадиган станциялар очиш ниятида.

Ишбилармонлик—бозор талаби

ҲАМКОРЛИК АНЖУМАНИ

Бозор иқтисодиёти ўз афзалликларини намоён қила олиши учун ишлаб чиқариш қувватлари кўпайиб, ҳақиқий рақобат юзага келиши зарур. Аммо шу пайтгача кўпгина иқтисодиёт қонунлари бузилди. Ишнинг сифати, ишчининг ижодий имкониятлари бир четда қолиб, фақат сон учун кураш авж олди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида яқинда ўтказилган илмий-техника анжуманида худди ана шу ҳақда гап борди. Олмониянинг йирик машинасозлик савдо фирмаларидан келган ишбилармонлар шу куни жумҳуриятдаги трикотаж саноати ходимлари билан суҳбатлашдилар. Ўзлари сотадиган машиналарнинг тузилиши, ишлаш жараёнлари ва имкониятлари ҳақида гапириб бердилар.

Олмониянинг «Ферростал», «Зюккер Мюллер», «Брюккен» фирмаларидан келган вакиллар бу анжуманда иштирок этдилар. «Ферростал» фирмаси вакили Роланд Ридаль жумладан шундай деди:

— Биз бу ерга келишдан олдин Украина ва Беларусь республикаларида шундай симпозиумлар ўтказдик. Собиқ Совет Иттифоқи корхоналари бизнинг ускуналаримизни мунтазам харид қилиб келишарди. Бундан кейин Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қатор жумҳуриятларда ҳам анжуманлар ўтказиш ниятимиз бор. Тошкент шаҳрида ваколатхонамиз бор. Машиналаримиз тўғрисида қандай муаммо ва саволлар туғилса, шу ернинг ўзидан туриб ваколатхонамиз орқали ҳал қилиш мумкин.

«Ферростал» фирмасининг ваколатхонаси биринчилардан бўлиб Москвада очилган эди. Ҳар йили фирмамиз орқали тўрт миллиард марка қийматга эга бўлган тўқимачилик ва тикувчилик ускуналари сотилган бўлса, шундан бир миллиарди собиқ Иттифоқ ҳиссасига тўғри келарди. Энди жумҳуриятлар мустақил бўлганда жаҳон бозорига чиқиш учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши зарур бўлади. Энг замонавий машиналар харид қилиш ёки маҳсулотларини сотишда «Ферростал» сизларга ёрдам бериши мумкин. Ҳозир Беларусь ва Украина билан алоқалар ўрнатдик. Ўйлайманки, Ўзбекистон билан ҳам тез орада алоқалар ўрнатамиз. Болтиқбўйи жумҳуриятларига бераётган пахта хом ашёсини Ғарб давлатларига сотиб, ўрнига машина-ускуналар олиш имкониятларингиз бор.

Бирлашмада Олмониянинг бир қанча фирмаларидан сотиб олинган машина ва ускуналар талайгина. Шулардан бири айланма тўқув, тикув, ранглаш ва пардозлашда асқотадиган машиналардир. Улар ёрдамида турли бўрттирилган, ворсли матолар тайёрланиб бежирим либослар ҳосил қилинмоқда. Шу дастгоҳлар туфайли трикотажчиларнинг оғири енгил бўлаётир.

«Зюккер Мюллер» фирмасининг вакиллари жаноб Штарк ва жаноб Йоненлар турли видеотасвир, жадвал, лойиҳалар, чизмалар ёрдамида машиналарнинг ишлаш жараёни ҳақида маълумот беришди.

Дилором СУЛТОНОВА.

ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Кеча Давосда (Швейцария) жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Тошкент шаҳрининг меҳнат бўйича идоралари таркибини такомиллаштириш тўғрисида

Тошкент шаҳар Ҳокими меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича идоралар иш фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлашни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар, кўриш, бозор муносабатларига шаклланаётган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ташкил этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 10 октябрдаги қарори ижроси юзасидан 1992 йил 1 февралдан эътиборан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармасини ҳамда аҳолини ишга жойлаш, қайта ўқитиш ва касбга йўллаш бўйича шаҳар марказини тугатиш юзасидан қарор қабул қилди.

Тошкент шаҳар Ҳокимининг қарори билан меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Тошкент шаҳар Бош бошқармаси тузилди.

«Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Бош бошқарма тўғрисида Низом», Бош бошқарма, район меҳнат ва иш билан таъминлаш хизматлари аппаратларининг таркиблари ҳамда асосий ташкилотлар рўйхатлари тасдиқланди.

Район иш билан таъминлаш марказлари — меҳнат биржалари меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг таркибий бўлинмалари ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Уларга банкда ўз ҳисобларига, ҳужжат қоғозларига, Ўзбекистон Республикаси гербининг тасвири туширилган муҳрга, чекланган балансга эга бўлишларига рухсат этилди.

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳузурида:

— ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишдан бўшатилаётган ходимларни бошқа касбларга йўналтириш ва қайтадан ўқитиш бўйича шаҳар маркази;

— давлат меҳнат экспертизаси шаҳар лабораторияси;

— иш билан таъминлашга кўмаклашиш фонди ижроия маъмуриятининг филиали ташкил этилади.

Халқ таълими Бош бошқармасига (ўртоқ Х. Қ. Йўлдошев) ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишдан бўшатилаётган ходимларни бошқа касбларга йўналтириш ва қайтадан ўқитиш бўйича шаҳар марказига шаҳар ҳунар-техника билим юртларидан бирини тегишли молиявий, моддий-техника ресурслари, транспорти, мавжуд нормативларга мувофиқ иш ҳақи фонди ва ходимлар сони билан бериш топширилди.

Турар-жой бошқармасига (ўртоқ В. М. Ким) бир ой муддат ичида меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармасига зарур бино ажратиб бериш вазифаси юклатилди.

— Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари ўртоқ Ш. Х. Низомовга, моддий-техника таъминоти бошқармаси (ўртоқ Ю. Ф. Ткаченко)га меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Бош бошқармага тегишли ҳисоб-китобларга мувофиқ моддий техника ресурслари ажратишни кўзда тутиш топширилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг 1990 йил 13 январдаги «Тошкент шаҳар ижроия комитети меҳнат ва ижтимоий таъминот бошқармасини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича бошқармага тааллуқли қисми ўз кучини йўқотди, деб ҳисобланди.

Тошкент шаҳар Ҳокимининг фармойиши

ЎРТОҚ С. К. САИДКАРИМОВНИ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БОШ БОШҚАРМА БОШЛИҒИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Саидкаримов Собир Каримович меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Бош Бошқарма бошлиғи этиб тайинлансин.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. ФОЗИЛБЕКОВ.

4 февраль 1992 йил, Тошкент шаҳри.

Шу кунниг мавзуида

БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА

ЯҚИНДА мен қизиқ бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Бутун диққат-эътиборини ёзувга қаратган котувчи ҳаридорга қараб: «Бу кўйлаклар сотилмайди», деган жавобни қилди.

— Ия, нега- ахир? Шундай экан нега бу либослар шунча миқдорда бу ерга осиб қўйилган?

— Сизни шу масала қизиқтираётган экан район ижроия комитетига мурожаат қилинг, у ерда сизга ҳаммасини тушунтириб беришади.

Сотувчи шундай дея яна ўз иши билан шуғулланишга киришди. Харидорлар эса ҳайратомуз бир тарзда шундоқ ҳам бўм-бўш ва ҳувиллаб ётган дўконни тарк этишди...

— Хўш, болаларнинг кўйлаги, костюми, пойабзаллари нима сабабдан сотилмаяпти?

— Бу сиз айтганчалик эмас, — дейди савдо бош бошқармасининг бошлиғи Рустам Ўразбоев, — улар сотилади. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳолисига болалар ассортиментидаги буюмларни ва бошқа бир қатор моллари сотишни барқарорлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан уларни сотишда янги тартиб жорий этилди. Ҳозирги пайтда шундай маҳсулотларни сотадиган дўконлар аниқланмоқда ва тасдиқланмоқда. Ҳар бир районда истиқомат қилувчи аҳоли нормаланган молларни олиш учун ана шу дўконларга биркитиб қўйилади.

Шу нарсани ҳам алоҳида уқтирмоқчиман: қоида бузилишларининг олдини олиш мақсадида ана шу ишни назорат этиш юзасидан комиссиялар тузилмоқда. Бу комиссияларнинг таркибига халқ депутатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари киритилади. Аҳолини моллар билан кафолатли равишда таъминлашга қаратилган барча чора-тадбирлар кўрилади.

— Бинобарин, айтингчи, қандай нормалар белгиланди?

— Болалар ассортименти товарлари бўйича: бир йилда бир бола учун икки ёшга қадар чекланган юқори нархларда 2 жуфт пойабзал ва 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган бола учун 1 жуфт пойабзал; чақалоқлар учун 1 комплект; болалар учун 1 та кўйлак ва 1 та шим; қизлар учун (12 ёшли қизлар ҳам бунга киради) 1 та кўйлак; 12 ёшгача бўлган болалар учун 1 жуфт колготка ва икки жуфт пайпоқни харид қилиш мумкин.

— Нормаланган моллар таркибига яна қайси буюмлар киритилди?

— Ички кийимлар тикиладиган гуруҳга кирувчи ип газламалар (хом сурп, медополан, дока), оқланган докалар киритилган. Шаҳарнинг ҳар бир аҳолиси чекланган юқори нархлар бўйича бир йилда 3,5 метр ана шундай газламани олиши мумкин.

Калиш масаласига келганда шуни айтиш керакки, уч кишидан иборат оила учун бир жуфт, 4 кишидан 6 кишигача бўлган оила учун 2 жуфт, 6 кишидан зиёд аъзоси бўлган оила учун 3 жуфт калиш бериш нормаси белгиланган. Бу маҳсулот нархи эркин нархдадир.

Тўй маросимлари, дафн расм-русумлари учун ип газламаларни тарқатиш Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги қарорида тасдиқланган эркин нархлар бўйича ҳажмда сақланиб қолади.

— Юқорида айтиб ўтилган товарларни олиш учун талонларни қандай қилиб олиш масаласи ҳам тошкентликларни сўзсиз қизиқтирмоқда.

— Бундай таклиф талонларини тайёрлагач, биз уларни район ижроия комитетлари бўйича тақсимлаймиз. Район Кенгашларининг ижроия комитетлари маҳаллалар ва турар-жой бошқармалари қошида ташкил этилган махсус комиссиялар ёрдамида жойларда истиқомат қилувчи аҳолини оила аъзоларининг сонини кўрсатган ҳолда, 2 ёшгача ва 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларни алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда рўйхатини тузади. Рўйхатдан ўтказилган оилага шахсий имзосини қўйдирган ҳолда, аниқ савдо корхонаси кўрсатилган таклиф талонлари берилади. Бу ишларнинг ҳаммаси 1 мартга қадар ниҳоясига етказилиши керак.

Биз савдо ташкилотлари зиммасига нормаланган товарларни сотишни журналларга ёзиб борган ҳолда қатъий ҳисобга олиб боришни, қолдиқ товарлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва уларни юқори ташкилотларга товар-пул ҳисоботи билан бирга топширишни юклаймиз.

Сохта таклиф талонларини тайёрлаш сохта ҳужжатларни тайёрлашга тенглаштирилади ва у қонун олдида жавоб беради.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, талонлар бўйича тарқатиладиган товарлар рўйхатидан синтетик ювиш воситалари ва мол ёғи чиқариб ташланди. Улар купонлар билан, эркин реализация қилинади.

Суҳбатдош Ойдин ҲАСАНОВА.

РАҚС РАВНАҚИ УЧУН

КЕЧА Тошкентдаги Ҳамза номли санъатшунослик билимгоҳида Ўзбекистон маданият вазирлиги ҳалқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари жумҳурият маркази ташаббуси билан «Ўзбек миллий рақс санъати ҳозирги кунда» мавзуида мулоқот кечаси бошланди. Икки кун давом этадиган бу анжуманда таниқли рақс санъати намоёндалари фикр ва мулоҳазалар юритишади. Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова, Тошкент хореография билим юрти ўқитувчиси Гулнора Маваева, «Ўзбекистон» рақс дастасининг бадиий раҳбари Қодир Мўминов, «Баҳор» Давлат халқ рақс дастасининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Акбар Мўминов, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Қўрқмас Соатовлар «Миллий рақс муаммолари», «Фольклор жамоаларида рақс», «Замонавий йигитлар рақси», «Мукаррама Турғунбоеванинг рақс мероси», «Рақс жамоалари учун мутахассислар тайёрлаш масалалари» сингари мавзуларда маърузалар қилишади.

Илҳом ЙЎЛДОШЕВ.

Мутасаддилар фикрича...

КУПОНСИЗ СОТИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Собит Имомов:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 1 февралдан бошлаб купонсиз сотиладиган маҳсулотларнинг қўшимча турлари белгиланди. Бу — тортлар, сут, кефир, ряжанка, простокваша, морс, квас, газ суви, шарбатлар, пиво, шишалардаги алкоголсиз газли ичимликлар ва уларнинг қуйиб сотиладиганлари, музқаймоқ, кўкатлар, лавлаги, қовоқ, шолғом, редиска, қайта ишланган сабзавот маҳсулотлари (тузланган карам, помидорлар, бодринглар).

Нархи арзонлаштирилган буюмлар ва ишлаб чиқариш чиқитлари, то.кошахоналар учун мўлжалланган товушин кучайтириб берадиган қурилмалар, спорт анжомларидан кўтарадиган тошлар, яккачўплар, конлар ҳам купонсиз сотилади.

Аҳолига норуда қурилиш материаллари (шағал, қум, майдаланган тош, керамзит, оҳак, цемент, пардозловчи тошлар, мармар ва гранит плиталар), мармар кукунлари ва ундан тайёрланган буюмлар, шлакоблоклар, аглопирит, минват ва ундан тайёрланган буюмлар, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар, қувурлар, асбоцемент, чўян, полиэтилен, керамика, темирбетон буюмлари ҳам купонсиз сотилади.

Эндиликда купонлар билан бир вақтда чеклар, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириғига кўра уларнинг банк муассасаларидаги шахсий счётларидан пул ўтказиш йўли билан республика аҳолисига қиймати аввалги 5000 сўм ўрнига 3000 сўмдан кўп бўлган моллар сотилади.

Нўл-кўприк қуриш ва таъмирлаш трестининг бир гуруҳ қурувчилари Шимолий вокзал олдида ер ости йўлини қуриш билан шуғулланишмоқда. Бу ишда Олег Рудаков бригадаси жонбозлик кўрсатаётир.

СУРАТДА: бригадир Олег Рудаков.

Андрей Пишненко сурати.

Меҳнат жамоаларида

ЧИГАЛИНИ ТОПОЛМАЙСИЗ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси айланма-тўқув цехи ип ўровчи қизларининг чаққон ҳаракатини кузатар эканмиз, уларнинг маҳоратини тан олдик. Чунки ўралаётган ипларга бирозгина қараб турганнинг ўзида кўзлар қамашиб кетади. Аммо қизлар бу борада янглишмайди, эҳтимол шунинг учун ҳам уларни ўз касбининг моҳирлари дейишса керак.

Қизларнинг бири тоза жун, яна бири жун аралаш, бошқаси пахта толасидан йигирилган ипларни тўқув дастгоҳларига мослаштириб, қайта ўраб беради. Уларнинг саранжом-сарчшта ва пухта ишлари тўқувчиларга ҳам ёқади. Чунки ип мустаҳкам, ўз меъёрида, чигалсиз ўралса тўқиш ҳам пишиқ-пухта бўлади. Иш жараёни шундай.

Ип ўровчи қизларнинг бригада бошлиғи Матлуба Ёқубова жамоада қилинадиган ишни ўзаро бамаслаҳат амалга оширади. Шу туфайли ойлик режаларини 120-125 фоизга адо этишаётир. Шундай бўлгач, олаётган маошларидан ҳам кўнгилларидаги тўқ бўлмоқда. Агар ўтган йилнинг шу даврига таққослайдиган бўлсак жуда катта фарқ бор. Маҳсулот тайёрлашда ҳам, ишга муносабатда ҳаи, маош олишда ҳам.

Саодат Эргашева, Саида Ғафурова, Мавлуда Ҳошимовалардан барча миннатдор. Улар ўзига пишиқ, вақтдан унумли фойдаланиш ва маҳсулот сифатини энг юқори даражага кўтариш сирларини билишади. У ҳам бўлса сидқидилдан меҳнат қилишдир.

Айланма-тўқув цехидан чиқиб пардоз цехини кузатдик. Бу ерда ҳам ўзига хос қандайдир жозиба бор, десам янглишмайман. Чунки яқингинада ўрнатилган чет эл дастгоҳлари худди бир нимани шивирлаётгандек...

Газмол сиртига силлиқ пардоз берадиган бу дастгоҳ Италиядан келтирилган бўлиб, у «Ферраро» деб аталади. Унинг чиғириқлари биз лол қоладиган даражада пардоз бериш қувватига эга.

Бу дастгоҳни ҳозирги кунда цехнинг илғор ва моҳир ишчиси Санобар Абдуллаева бошқармоқда.

— Дастлаб бу дастгоҳда ишлашга қийналдим, десам ҳам бўлади, — дейди Санобар опа. — Аммо ҳар бир ишнинг йўлини топиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ экан. Бунга иқрор бўлдим. Чунки бу корхонада меҳнат қилаётганимга эндигина икки йилдан ошди. Мана кўриб турганингиздек эски дастгоҳни ҳам эмас, ҳатто чет элдан келтирилган машина билан тил топишдим. Одам астойдил ҳаракат қилса ҳар қандай ишда ишлаши мумкин экан. Бунга ҳам ишонч ҳосил қилдим. Биласизми сингилжонларим, дастгоҳ ичига кирмай турган матоларни кўриб кўнглим ғалати бўлиб турса, дастгоҳнинг у томонидан шу чиқаётган матони кўриб дилим равшан тортиб, чарчоқларим тарқаб кетади.

Кўрининб турибдики, корхонада ишлаб чиқарилаётган матолар ва тайёр кийим-кечакларнинг сифати кўпроқ дастгоҳга ҳам боғлиқ экан. Аммо «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дастгоҳларининг кўп қисми жуда эскириб кетган. Шундай бўлсада бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

Корхона маъмурияти жамоа аъзоларига ишга келган ҳар кун учун алоҳида тушликка деб, 5 сўмдан қўшимча пул ҳам ажратди. Бу ҳозирги қимматчилик пайтида чеварларга, уларнинг оилаларига мадад бўлмоқда.

Мунаввар БОСИТХОНОВА,
Гули АБДУЛЛАЕВА.

Ҳуқуқий давлат сари

НОГИРОНЛАРГА ҚОНУНИЙ КАФОЛАТ

Ногиронлик бўйича Республикамизда қариб 350 минг киши нафақа олади. Биргина Улуғ Ватан уруши ва Афғонистон урушида қатнашганлиги натижасида ногирон бўлиб келганлар сони 46 минг кишини ташкил этади. Кейинги йиллардаги илмий-техника тараққиёти, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги номутаносибликлар, экологик вазият ва турли зарарли химикатларнинг қўлланилиши халқимизнинг соғлиғини заифлаштиришга, ногирон бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Республикамиз ҳукумати имкони борича ногиронликнинг олдини олиш ва ногиронларнинг моддий аҳволини енгиллаштиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу енгиллаштиришлар ҳозиргача бевосита пенсиялар ва нафақалар асосида эди. Республика Президентининг қатор Фармонлари туфайли кейинги пайтда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши ловим бўлган шахсларга қўшимча ёрдам чора-тадбирлари кўрилди. Овқатланиш, дори-дармон, уй-жой, санаторий ва дам олиш уйларидан фойдаланиш, хонадонларига бориб хизмат кўрсатиш, уйда меҳнат қилишни давом эттириш имконияти, аравачалар, машиналар билан таъминлаш каби кўпчилик имтиёзлар билан муайян таъминлашга ўтилди.

Бозор иқтисоди шароити ногиронларга оид бўлган кўпгина муаммоларни, айниқса нарх-навонинг ўсиб бораётганлиги, транспорт соҳасидаги, спорт, маданий-оқартув, уй-жой, мулкий масалалар, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш ва шунга ўхшаш муаммоларнинг кескинлашуви бу тоифадаги шахсларнинг бутун фаолиятини қонуний тарзда мустаҳкамлаш ва уларнинг давлат, жамоат органлари ва барча шахслар томонидан тенглик, адолатли асосда амалга ошириш кафолатини вужудга келтиришни, ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этиб келмоқда. Мана шундай муаммоларни ечишда ва уларни ҳуқуқий томондан ҳаққоний бўлишини таъминлаб беришда яқинда кучга кирган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти бўлган Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигига эришган бир пайтда, мустақил тенглик, ижтимоий адолат қоидаларини мужассамлаштирган қонунларига эга бўлиши ҳозирги даврнинг заруриятидан келиб чиқади. Олий Кенгашимиз олдида мустақиллигимизни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий асосда мустаҳкамлаш, ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш, айниқса хўжалик механизмининг самара берадиган усулларини топа билиш вазифалари турибди. Бизнинг парламент фаоллик кўрсатиб, халқимизнинг моддий, маънавий талаб ва эҳтиёжларини тобора тўлиқ қондириб бориш учун кўп қиррали ишларни амалга оширмоқда, қонун ижод қиляпти.

Машаққатли ҳаёт сўқмоқларида қийналган, ширин сўзга, меҳрга ва мададга интизор, келажак авлоднинг бахти учун қайғуриб, ҳатто ўз ҳаётини аямаган катта бир ижтимоий гуруҳнинг дардига малҳам бўлувчи фуқаролар тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши катта воқеа, бу гуруҳга бўлган бошқа барча инсонлар ҳурматининг ифодаланишидир. Қонуннинг асосий мақсади ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, имкониятларини таъминлаш, ҳар қандай чеклашларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини барча инсонлар билан тенглаштириш, ҳатто кўрсатилган хизматлари учун кенг имтиёзлар ва қулайликларга эга бўлиш, энг асосийси жамият ривожланишининг фаол иштирокчилари бўлишини таъминлашдан иборат.

Бизнинг вақт ҳаётнинг барча жабҳаларида ўтиш босқичини бошдан кечираётган, сиёсий ҳаётда кўп партиялик, иқтисодий ҳаётда эса мулкчиликнинг турли шакллари қарор топаётган даврдир. Хўш, Қонунларимиз шу ўзгаришларни, жамият олдига қўйилаётган талабларни ўз ичига қамраб ола оладими? Мулкнинг турли хил шакллари мавжуд бўлган рақобатли иқтисодга ўтганимизда вужудга келадиган янги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун зарур ҳуқуқий механизмни вужудга келтирадими? Албатта Республикамизда мулк тўғрисида, корхоналар тўғрисида, тадбиркорлик, кооперация, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшлар ҳаёти ҳамда шунга ўхшаш ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий ва ҳуқуқий базасини ташкил этувчи ва бошқа бир қатор ижобий натижалар бераётган қонунлар қабул қилинди. Лекин мулкнинг, субъекти, корхонанинг эгаси ва ишчиси, тадбиркорликнинг тадбиркори бўлган шахснинг фуқаролик, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари ҳали бу қонунларга мослаштирилмаган-ку?

Маълумки, ҳозирда амал қилиб келаётган меҳнат қонунлари бизда мулкнинг фақат икки хил шакли — давлат ва жамоа хўжалиги яъни кооператив мулки мавжудлигида қарор топган ва улар давлат корхоналари, ташкилот ва муассасаларида, жамоат хўжаликларида рақобатсиз меҳнат муносабатларини тартибга солади, холос. Ўз-ўзидан равшанки, бозор иқтисодиёти даврида ишлайдиган корхоналардаги меҳнат муносабатлари ўз маэмуни ва моҳияти билан улардан тубдан фарқ қилади. Шундай экан, қайси бир корхонада ногиронларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи кафолатланган бўлади?

Ёлланма меҳнатга асосланувчи хусусий корхоналарни қўя турайлик. Ҳамма томонлама мустақил, ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи, хўжалик ҳисобида ишлайдиган қайси бир корхона маъмуриятини «ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган»ликда ёки «уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаган»ликда айблай оламиз. Бу аввалги қонунларимиз камчилиги, ўз вақтида уларга қўшимча ва ўзгартишларнинг киритилмаганлигидир. Ана шу нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, янги Қонун бу ҳуқуқларни янгича мазмун асосида бойитди ва мустаҳкамлади, уларнинг турмушга тадбиқ этилишини кучайтирди ҳамда давлат ҳуқуқий нормалари асосида кафолатлаб қўйди.

Бундай жиҳат Қонуннинг бошқа кўпгина моддаларига ҳам хосдир. Масалан, «Жамоат бирлашмалари ўз низомларига мувофиқ ҳамда фуқаролар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, муассасаларда, жамоат хўжаликларида рақобатсиз меҳнат муносабатларини тартибга солади, холос. Ўз-ўзидан равшанки, бозор иқтисодиёти даврида ишлайдиган корхоналардаги меҳнат муносабатлари ўз маэмуни ва моҳияти билан улардан тубдан фарқ қилади. Шундай экан, қайси бир корхонада ногиронларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи кафолатланган бўлади?

Ёлланма меҳнатга асосланувчи хусусий корхоналарни қўя турайлик. Ҳамма томонлама мустақил, ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи, хўжалик ҳисобида ишлайдиган қайси бир корхона маъмуриятини «ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган»ликда ёки «уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлаган»ликда айблай оламиз. Бу аввалги қонунларимиз камчилиги, ўз вақтида уларга қўшимча ва ўзгартишларнинг киритилмаганлигидир. Ана шу нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, янги Қонун бу ҳуқуқларни янгича мазмун асосида бойитди ва мустаҳкамлади, уларнинг турмушга тадбиқ этилишини кучайтирди ҳамда давлат ҳуқуқий нормалари асосида кафолатлаб қўйди.

Бундай жиҳат Қонуннинг бошқа кўпгина моддаларига ҳам хосдир. Масалан, «Жамоат бирлашмалари ўз низомларига мувофиқ ҳамда фуқаролар ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, тегишли тадбирларни пул билан таъминлашда иштирок этишлари мумкин. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари уларга бу борада ҳар томонлама кўмаклашишлари шарт», дейилади Қонуннинг 5-моддасида. Авваламбор давлат идораларининг ваколатларига даҳлдор масалалар жамоат бирлашмаларининг низомлари билан эмас, балки қонунлар билан белгиланиши шарт. Қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ана шундай ваколатлардан биридир. Давлат идоралари ушбу ваколатларни амалга ошираётган даврда жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг бу жараёнда иштирок этиш шакл ва усуллари қандай бўлади? Бу ҳақда ҳеч бир қонунда мукаммал қоидаларнинг ўзи йўқ, шу жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунларда ҳам.

Хўш, бу қайси қонуннинг камчилиги? Аввалги мисолимизда айтилганидек, биз яна фуқаролик, маъмурий, меҳнат қонунчилигининг номукаммаллигига дуч келамиз. Демак, хусусий, жорий қонунларнинг ҳаётийлиги ва самарасини таъминлашимиз учун энг аввало ижтимоий воқелик талабига мос келадиган фундаментал, асосий қонунларни ишлаб чиқишимиз, уни янги мазмун билан бойитишимиз зарур экан. Бу ўринда биз «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айни вақтда қабул қилинганлигини қайд этиш билан бирга, уни амалга ошириш учун, аввало Ўзбекистон Республикаси меҳнат мажмуаси, фуқаролик мажмуаси, маъмурий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Қонунларга қатор ўзгартишлар киритиш лозимлигини таъкидлаймиз.

Давлатимиз идора ва ҳокимият органлари томонидан ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, ишлаб чиқариш бўлинмалари ногиронларни белгиланган меъёрлардан кўп қабул қилса ва иш билан таъминласа, бу жамоалар учун маҳаллий органлар ҳар хил имтиёзлар бериши, ҳатто тўлиқ асосда солиқ тўлашдан озод қилиш, фоизсиз кредитлар ва бошқа қулайликларни яратиб беришга Қонунда катта эътибор берилган.

Орол ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ,
вазирлик бош маслаҳатчиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Мутасаддилар фикрича...

ҲАР ЙИЛИ БЕШ МИНГ

Мамлакатдаги мураккаб иқтисодий аҳвол, хўжалик алоқаларининг узилиши Тошкент метросозларини энг ўткир муаммо — қурилишни тўбинглар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишнинг янги йўлларини излашга мажбур этди. Бу — тупроқ шароити оғир бўлган жойларда қўлланиладиган 5,5 метр диаметрли чўян конструкциялари бўлиб, туннелларга қоплама сифатида ишлатилади, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири.

Метросозларга бу масалани ҳал қилишда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ёрдам бердилар. Корхонанинг янги қуюв цехида ана шу конструкцияларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бир неча қудратли ишлов бериш марказларини яратиб, тайёрлаб берган «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари биноқорларга ва ишчиларга катта ёрдам кўрсатишди.

Энди «Тошкент метроси қурилиши» трести ҳар йили беш минг тоннага яқин тўбинглариии олиши аниқ. Бу эса метросозлар эҳтиёжининг ярмини қондиради. Яқин истиқболда бу кўрсаткич агар МДҲ таркибига кирган бошқа республикалардан чўян барқарор тарзда етказиб бериладиган бўлса, 7—8 минг тоннага етиши мумкин.

Бу хабарни «Тошкент метро қурилиши» трестининг бошқарувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Г. Штерн шарҳлайди:

— Тўбинглар билан таъминлаш муаммоси куни кеча пайдо бўлгани йўқ. Собиқ СССРда метрополитенлар кўпайиб бораётгани муносабати билан икки ихтисослашган завод— Санкт-Петербург ва Днепропетровск корхоналари қурувчиларни ана шу конструкциялар билан таъминлай олмаяпти. Ҳисоб-китоблар бирлашмадаги қуюв цехининг қуввати бизга зарур миқдорда тўбинглар етказиб беришга қодирлигини кўрсатди. «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлов берувчи марказлари барча операцияларни жуда аниқ бажара олади. Натижада, Тошкент тўбинглари ўзининг техникавий хусусияти жиҳатидан бизга одатда маҳсулот етказиб берадиган корхоналарникига нисбатан анча афзал бўлди.

Ушбу муаммонинг ҳал қилиниши Юнусобод йўли қурилишидаги бўлинмаларимиз барқарор ишлашини таъминлайди. Тупроқ шароитлари жуда мураккаб, ер ости сувлари мўл бўлган, коммуникациялар ниҳоятда кўп ўн километрли йўлнинг ўзига хос жиҳатлари ана шундан иборат. Бу ерда тўбингларсиз ҳеч нарса қила олмаймиз.

Тракторсозлар бизни ҳозирча тўбинглар билан тўла таъминлай олмайди. Конструкцияларнинг бир қисми бу йил маҳсулот етказиб берувчи бошқа заводлардан келади. Лекин вазифа шундан иборатки, республикамиз яқин келажакда ўзини ана шу маҳсулот билан тўла таъминлашга ўтиши керак. Бунга кучимиз етади, деб ўйлайман.

Тошкент тракторсозлари билан ҳамкорлик тажрибаси шуни кўрсатдики, моддий-техникавий таъминотнинг кўпгина жиҳатлари бўйича МДҲнинг бошқа минтақаларидаги маҳсулот етказиб берувчи заводларга қарам бўлиб қолмаймиз.

Ишбилармонлик—даврнинг талаби

ҚЎШИМЧА ДАРОМАДЛАР МАНБАИ

Бозор иқтисодиёти шароитида банк хизмати катта ўрин тутади. Чунки корхона ва ташкилотлардаги барча хўжалик ишлари мазкур муассаса билан чамбарчас боғланган. Агар банк ходимлари ишни тўғри йўлга қўйган бўлсалар, бугун битадиган иш эртага қолдирилмаса, шартномалар ўз вақтида бажарилаверади. Айниқса турмушимизда тез-тез ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда (маош оширилди, купон жорий этилди) банкларнинг иш кўлами кўпайиб кетди.

Шу ўринда ўз вазифасини сидқидилдан бажаришда ўрнак бўлаётган жамоалардан бири — Октябрь районидаги Пайчилик тижорат саноат қурилиш банки ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу муассаса бугунги кунда бир минг икки юздан ортиқ корхона, ташкилот ва ширкатларга хизмат кўрсатмоқда. Бир кунда ўрта ҳисобда икки мингдан ортиқ турли хил молиявий ҳужжатлар расмийлаштирилади. Айни пайтда бу ерда тўлиқ хўжалик ҳисобида иш юритилаяпти. Банк бошқарувчиси Муяссархон Файзуллаева биз билан суҳбатда шундай деди:

— Илгари ходимларимизнинг энг юқори маоши 120-150 сўм бўлса ҳозир энг кам миқдори 400 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари мукофот ва ижтимоий жамғармаларимиз бор. Хизматчиларни рағбатлантириш, ўн учинчи ойлик бериш, байрам ва дам олиш кунлари саёҳатга чиқиш учун ҳам маблағимиз етарли. Илгари бирорта хизматчининг камчилиги ҳақида гапирсангиз дарҳол бўшаб кетишга ҳаракат қилар эди. Моддий рағбат йўлга қўйилгач барча яхши ишлашга ҳаракат қилаяпти. Юқори малакали мутахассисларнинг қўнимлиги таъминланди. Бу бизга чегара эмас. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир даврда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун қўшимча даромад манбаларини топишимиз керак. Шу боисдан яқинда марказий универмагда омонат касса ташкил этдик. Бу биринчидан қўшимча даромад келтирса, иккинчидан омонатчиларга қулайлик яратади. Яъни савдодан тушган пул билан уларни узлуксиз равишда таъминлаш имконини беради. Яна битта режамиз бор. У ҳам бўлса шу универмагда пул алмаштириш бўлимини ташкил этишдир. Келгусида хорижий давлатлардан келган кишилар шу жойнинг ўзида валюталарини алмаштириб, сўм билан харид қилишлари мумкин бўлади.

Ғаффор ЖАББОРОВ.

БОЛАЛАР БОЛАЛИГИЧА ҚОЛСИН

«Ватанимиз учун, дўстлик, яхшилик ва адолат учун» — республика кашшофлар ташкилотининг вориси Ўзбекистон болалар ва ўсмирлар уюшмаси ўзига шу шиорни танлаб олди, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири А. Иванова.

Бир-бирига интилиш, бир-бири билан алоқа қилиш болаларга хос фазилатдир. Шу сабабли кашшофлар ўзларининг охирги слётида собиқ ташкилотни бутунлай тарқатиб юбориш тарафдорларига қатъиян қарши чиқишди. Тўғри, мазкур ҳаракат ҳаддан ортиқ сиёсийлаштирилиши натижасида кўпгина фазилатларини йўқотди — учга хос бўлган жўшқинлик, баҳордек яшнаб турадиган болаликнинг ўзига хос нафосати йўқола бошлади. Айни вақтда бирлашиш, умумий ишга даҳлдорлик, меҳрибонлик сингари фазилатлар ҳамон сақланиб қолган эди...

Болалар билан ишлашдек нозик ишда таваккал қилиб бўлмайди. Шу боисдан сиёсий ва тўраларча сафсатабозликдан қутилиб, болалар ва ўсмирлар уюшмаси фаолиятида узоқ йиллар мобайнида тўпланган барча ижобий ҳислатларни сақлаб қолишга қарор қилинди. Энди у мафкурадан ҳоли этилган демократик ташкилот бўлиб болалар ва ўсмирларнинг ҳамда улар бирлашмасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган умуминсоний қадриятлар йўлида фаолият кўрсатадиган ташкилотдир. Ҳар қандай бола ёки ўсмиргина эмас, айни вақтда катта ёшдаги кишилар ва ҳатто бутун-бутун жамоалар — жамиятлар, клублар унга аъзо бўлиши мумкин.

Уюшманинг рамзий белгилари, нишонлари ўзгартирилади. Кўпчиликка ўз болалик йиллариданоқ маълум бўлган бир одат — яъни қизил галстуксиз болалар ва қизларни мактаб остонасига йўлатмаслик одати мозийга чекинди. Энди ҳар бир отряд ўқувчиси галстук тақиши ёки тақмаслигини ўзи ҳал қилади. Октябрятликка ҳам белгиланган тартибга кўра қабул қилмайдиган бўлдилар. Масалан, Тошкентдаги 163-мактабнинг биринчи синф ўқувчилари табиатнинг ёш дўстлари бўлиш ҳоҳишини билдирдилар.

— Биз учун энг муҳими болалар болалигича қолиш имкониятига эга бўлишларидир. Улар ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлишлари, ўйнаб-кулишлари, ўз ижодий қобилиятларини иложи борича кўпроқ ривожлантиришлари лозим, — дейди Ўзбекистон болалар ва ўсмирлар уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Майя Раҳимбердиева. — Ҳозир ногирон болалар учун хайрия фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз. Улар орасида чинакам қобилиятга эга бўлган рассомлар, қўшиқчилар, машшоқлар қанчадан-қанча. Бир қанча вилоятларда саралаш давраларини ўтказдик, уларнинг энг истеъдодлилари Тошкентга келишади. Фестивалимиз кўпинча эътибордан, меҳр-оқибатдан четда қолаётган бу болалар учун ҳақиқий байрамга айланишини хоҳлаймиз. Ғолиблергина эмас, фестивалнинг ҳар бир қатнашчиси ҳам ўзи билан қандайдир соврин олиб кетсин. Энг кам ҳисоб-китобларга қараганда фестивални ташкил этишга 120 минг сўм сарфланади. Ҳомийларни қидиряпмиз. Уларни топишимизга ишонаман. Фестивалдан ташқари ҳали ўйлаб қўйган тадбирларимиз қанчадан-қанча. Уларни амалга ошириш учун кўп сарф-харажат қилиш керак бўлади. Лекин биз ҳамма вақт қўлимизни кимгадир чўзиб илтижо қилишни хоҳламаймиз ва бундай қилмаслигимиз керак. Республика ҳукуматига ташкилотимизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини сўраб мурожаат этдик, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланиб кўрмоқчимиз. Тўғри, бунинг учун аввалига бироз сармоя керак.

— Яқинда биз ўзбекистонлик бир ўқувчи «Артек» деб аталган собиқ бутуниттифоқ кашшофлар лагерида дам олиши учун 10—11 минг сўм керак бўлишини ҳисоблаб чиқдик. Қандай даҳшат, — дейди М. Раҳимбердиева. — Илгари республикамиздан 2 мингга яқин қиз ва ўғил болаларни дам олиш учун «Артекжка юборардик. Уларнинг кўпчилиги ишчи ва деҳқонларнинг фарзандлари бўларди. Йўлланмаларнинг кўпи текин бўлиб, унинг ҳақини давлат тўларди. Ҳозир бундай имкониятдан умид қилиб бўлмайди. Шу сабабли болалар ва ўсмирлар уюшмаси марказий кенгашининг бошқаруви Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари, кооперативлар, қўшма корхоналарнинг раҳбарларига мурожаат қилади: биз шартномавий асосда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ходимларингизнинг болалари «Артек»да дам олишини хоҳласангиз йўлланмалар сотиб олинг. Қолган ишларнинг ҳаммасини — билет сотиб олиш, болаларни кузатиб боришни ўз зиммамизга оламиз.

Ҳозир республика уюшмасида ота-оналари жон-жаҳдлари билан интилган тақдирда ҳам йўлланма сотиб ололмайдиган минглаб фаол, қобилиятли болалар бор. Айни вақтда Ўзбекистонда Қора денгиз соҳилидан қолишмайдиган Чимён, Зомин, Ҳамзаобод ва шу сингари гўзал масканлар бор. Шу ерларда йил бўйи ишлайдиган болалар марказини нима сабабдан қурмаслик керак? Бунга меҳнат жамоалари, ишбилармонлар ҳоҳиш билдиришса, саҳийлик кўрсатишса кўнгилдагидек иш бўлур эди. Зотан бизнинг асосий бойлигимиз болалар эканлиги ҳақиқатдир!



«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба-механика заводида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш цехида қилинаётган ишлар фикримизнинг далилидир.

Цехнинг меҳнат фахрийси Николай Леушкин буюмлар сифатига катта эътибор бермоқда. Унинг айнан шу жамоада фаолият кўрсатаётганига 6 йил бўлди.

Рустам Шарипов сурати.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

ФОЙДА ОЛИШМОҚДА

Янгиариқ районидаги Ленин номли колхоз тикувчилик цехи янги буюмларни тикиб чиқа бошлади. Кўрпа ва ёстиқ ғилофлари ҳамда чойшаблар пештахталарда пайдо бўлди. Қишлоқ тикувчилари Бухоро ип-газлама бирлашмасининг Ғиждувон бўлими билан мато етказиб бериш ҳақида келишиб олдилар.

Корхонада жемперлар, бош кийимлар, қўлқоплар ва пайпоқларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Колхоз цехида 40 киши меҳнат қилмоқда. Улар тиккан буюмларга ҳамқишлоқларнинг талаби катта бўлмоқда. Буюмлар районнинг қўшни хўжаликларига ҳам сотиш учун юборилмоқда. Цех ишга туширилганига бир йил ҳам бўлгани йўқ, лекин фойда олиб ишламоқда.

КИЙИМ-КЕЧАК ТИКИШМОҚДА

Қашқадарё вилоятининг Ғузор район матлубот уюшмасида болалар трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Корхонага Японияннинг тўқув ускунаси ўрнатилди. Ана шу ускуна ёрдамида устки кийимлар, жемперлар, пайпоқлар чиқарилмоқда.

Район матлубот уюшмаси яна бир цехни — тикувчилик цехини ишга туширишга тайёрлик кўрмоқда. Бу ерда Хитойдан сотиб олинган юқори сифатли 120 та тикув машинаси ўрнатилмоқда.

ЯНГИ КОРХОНА

Боғот район марказида ишга туширилган нон комбинати дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқарди. Бу ерда ҳар куни 30 тоннага яқин хилма-хил нон-булка маҳсулотлари тайёрланмоқда. Натижада аҳолининг эҳтиёжи тўла қондирилмоқда. Комбинатда фойдаланилаётган ускуналар ҳамда технология хонаки нонлардан қолишмайдиган маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради.

ҚУРИКДА ШОЛИЗОР

Илгари Қарши чўлида катта-катта майдонларда шоли етиштирилмасди. Қашқадарё вилоятидаги Автономов номли совхозда шоли экиш учун эллик гектар ер ажратилди. Бундай иқлимий шароитларда шоли парваришлаш тажрибасига эга бўлган туркманистонлик мутахассислар ерни ижарага олдилар. Улар маҳаллий чўлқуварлар билан шолизорларни экин мавсумига тайёрлашмоқда, суғориш тизимларини вужудга келтиришмоқда — сув Амударёдан олинади.

Янги мавсумда хўжаликда озиқ-овқат экинларига кўпроқ эътибор беришади. Аввал чигит экилган 500 гектар ер ғалла, қанд лавлаги, сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар экиш учун ажратилди.

ЯҚИНЛАРИГА ҲАМ ЁРДАМ БЕРИШДИ

Денов пахта тозалаш заводи ишлаб топган фойданинг каттагина қисми уй-жой, бошқа иншоотлар қурилишига, корхона меҳнаткашларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга сарфланди. Бундай масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилиш учун ҳозирча маблағ етишмайди. Лекин, шунга қарамай, завод ишчилари бошқа кишиларни ҳам унутмадилар. Завод тола сотиб топган валютасига Денов шаҳри ва районидаги тиббиёт муассасалари учун чет элда ишлаб чиқарилган диагностика аппаратларини ҳамда бир миллион дона бир марта фойдаланиладиган шприцларни сотиб олиб берди.

АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

Самарқандлик енгил автомашина эгалари энди тақчил эҳтиёт қисмлар — гилза ва поршенни ахтариб юришларига ҳожат қолмади. Шаҳардаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган «Москвич» кичик корхонаси бу юмушни ўз зиммасига олди. Корхона барча маркадаги «ВАЗ» автомобилларининг двигателларини тиклаш ва таъмирлаш билан шуғулланади, деб хабер беради ЎзТАГ мухбири.

Ўзбекистон–Туркия: ҳамкорлик қирралари

МЕҲРИНГИЗ МАФТУН ЭТДИ

Бугунги суҳбатдошимиз Ражаб Ширин 1960 йилда Туркиянинг Қарс шаҳрида туғилган. Арзурум шаҳридаги Отатурк дорилфунунининг Қозим Қорабекир Эйтим таълим куллиётининг «Турк тили» кифедраси ўқитувчиси. «Турк тили ва ҳозирги замон ўзбек тили муқоясаси грамматикаси» темасида илмий тадқиқот иши олиб бораяпти. «Қадимги туркий тил» луғатининг таржимонларидан бири. Ўзбек тилида гаплашади ва ёзади.

Қуйида Тошкент Давлат дорилфунуни «Туркий филология» кафедрасининг доценти Адҳамбек Алимбековнинг туркиялик олим Ражаб Ширин билан бўлган суҳбатини ўқийсиз.

— Ражаббей, суҳбатимизни танишишдан бошласак!

— Аввало, ассалому алайкум ҳурматли «Оқшом» мухлислари. Мен Тошкентга Тошкент Давлат дорилфунуни ректорати, ўзбек филологияси факультети декани таклифи билан дарс беришга ва айни пайтда ўзбек тилини янада чуқурроқ ўрганиб, докторлик илмий ишимга материаллар тўплаш учун келдим. Тошкентда уч ой бўламан.

— Ражаббей, нима учун сиз докторлик илмий ишингизга ҳозирги замон ўзбек тилини замин қилиб олдингиз!

— Турк ва ўзбек халқлари бир-бирига руҳан яқин қардош халқлардир. Бизнинг тарихий келиб чиқишимиз бир. Шунинг учун тилларимиз ҳам жуда ўхшаш. Ўзбек тили шарқий туркий тиллар ичида энг бой шевали тилдир. Ўтмишда кўп буюк тилшунослар ўтган. Масалан, Маҳмуд Қошғарий. Мен ҳазрати Алишер Навоийни ҳам буюк тилчи, деб биламан. Унинг «Муҳокамат-ул-луғатайн» асари бунинг мисолидир. Ўзбек тили ва уни ривожлантиришга ҳисса қўшган А. Навоий, Ҳ. Бойқаро, Бобур, Шайбоний каби шахслар жуда кўпчиликни қизиқтирган, жумладан мени ҳам. Шунинг учун мени Туркия туркчаси билан ўзбек туркчасини, яъни ҳозирги замон ўзбек тилини муқояси қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ҳозирги замон ўзбек тилининг бой қадимий асоси бор.

— Сиз, ўзбек тилини ўрганишда ўзбек ёзувчи, шоирлари асарларига мурожаат қилган бўлсангиз керак. Шу муносабат билан ўзбек адабиёти, унинг ўзига хослиги, турк адабиётига ўхшаш томонлари ҳақида фикрингизни билсак!

— Албатта, тил билан адабиёт муштаракдир. Бирор халқ тилининг гўзалликларини ҳис қилиш учун адабиётини ҳам яхши билиш керак. Мен Чўлпон, А. Қодирий, О. Ёқубов, П. Қодиров, Ш. Холмирзаев, А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Матчон, Ж. Камол, Ҳ. Худойбердиева, М. Солиҳ, У. Азим асарларини севиб ўқийман ва ўз илмий ишимда улардан мисоллар келтириб фойдаланаман. Ўзбек адабиёти мажозларга бойлиги, гўзал шеърий санъатлари билан мени мафтун қилди. Айниқса, турк адабиётидаги каби, ўзбек адабиётида ҳам лиризмнинг кучлилиги менга ёқади. Она юрт ҳурлиги, истиқлолни куйлаган шоирлар шеърларини ўқиганимда машҳур турк шоирлари Меҳмед Акиф Эрсўй, Меҳмед Эмин, Юрдақул шеърларини эслайман. А. Акиф «Мен азалдан ҳур яшадим, ҳур яшайман», — деса, М. Юрдақул «Мен бир Туркман, диним, жисмим улуғдир. Сийнам, сўзим оташ ила тўлиқдир», — деб ёзганди.

Бу туйғу, айниқса, мени Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» асарларини ўқиганда қамраб олади.

Насрга келсак, турк ва ўзбек романларидаги образлар ўхшашлиги, руҳ ва туйғу бирлиги менга маълум. Худди шундай уйғунликни Рашод Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романидаги Фарида ва Н. Норматовнинг «Бери кел» асаридаги Малика образларида кўраман. Менимча, Фарида Ўзбекистонга келган-у Малика Туркияда юргандек. Айни пайтда ҳар икки образ ўзига хос.

— Ўзбекистон матбуоти ҳақидаги фикрингиз!

— «Туркистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшоми» рўзномалари, «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» ойномаларини мунтазам ўқишга ҳаракат қиламан. Матбуотда эълон қилинаётган долзарб мавзудаги мақолалар (масалан; алифбо ва экология масаласига бағишланган) мени жуда қизиқтиради. Мен ўз илмий ишимда газета «тили» ҳақида ҳам фикр юритмоқчиман.

— Сизларда ҳам биздагидек ёзувчилар уюшмаси борми!

— Бизда сизлардагидан бошқачароқ. Ёзувчилар уюшмалари бир қанча ва бошқа шаҳарларда уларнинг бўлимлари бор. «Ёзарлар бирлиги», «Ёзар синдика», «Илм ва санъат одамлари» шулар жумласидан. Бўлиниб кетгани учунми уюшмалар унча кучли эмас ва ёзувчиларнинг имтиёзлари ҳам шунга яраша. Бизда журналистларнинг имтиёзи яхши. Улар истаган ерларига кириб-чиқиш ҳуқуқига эгалар. Учоқда учиш, меҳмонхонада туришда ҳам пулининг бир қисмини тўлайдилар. Бизда одамлар маъмурий чора ёки ишдан бўшатилишидан эмас, рўзномада танқид қилинишдан кўпроқ қўрқадилар. Чунки, одамга бирор чорадан кўра, омма ўртасида ҳурматини йўқотиш ёмонроқдир.

— Туркияда Ўзбекистонга қизиқиш қандай!

— Ўзбекистонга келишни истаганлар жуда-жуда кўп. Чунки, Ўзбекистон, аввалги Туркистон, бизнинг ота юртимиздир. Бизда ҳар бир киши Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хева каби қадимий ва гўзал шаҳарларни кўришни, Мирзо Улуғбек, Исмоил Бухорий, Нақшбандий қабрларини зиёрат қилиш орзусида. Виза муаммоси ҳал этилса турклар учун ҳам, ўзбеклар учун ҳам ажойиб иш бўларди.

— Ражаббей, мана сиз икки ойдан берк Тошкент Давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси куллиёти «Туркий филология» кафедраси ўқитувчиси сифатида дарс беряпсиз. Шунинг учун бизнинг талабалар ҳақида ва Туркиядаги таълим-тарбия ишлари ҳақида икки оғиз гапирсангиз.

— Дарс ўтаётган туркшунос талабалардаги илмга чанқоқлик, турк тили, адабиёти, санъати, маданиятига қизиқиш менда яхши таассурот қолдирди. Учинчи курсданоқ талабалар таржимонлик қилишнинг уддасидан чиқаяптилар. Яқинда Туркиядан келган қирқдан ортиқ ишбилармонларга бу кафедра талабалари муваффақиятли таржимонлик қилишди. Бунинг учун бу хайрли ишни бошлаган ўқитувчилардан миннатдор бўлиш керак.

Энди биздаги ўқитиш ишларига келсак, бу сизларникидан бир оз фарқ қилади. Бизда мажбурий таълим саккиз йил, сўнг уч йил лицей, тўрт йил дорилфунун. Кириш имтиҳонларини компьютер олади. Тахминан 8.00.000 кишидан 250.000 номерли талаба бўлади. Дорилфунунни тугатган шахс дорилфунунда қолиб ишламоқчи бўлса имтиҳон топшириб, ассистент бўлади. Бир йил ўтгач чет тили ва билимдан имтиҳон топшириб яна бир йил ўқийди. Сўнг бир ярим йил ичида диссертация ёзиш керак. Шу бир ярим йил ичида ёзолмаса бошқатдан имтиҳон топширади. Диссертация ёзгач, уни ҳимоя қилиб «билим узмани» (билимдон — мутахассис) унвонини олади. Яна чет тили ва билимдан имтиҳон топшириб, икки йил ўқийди. Обрўли илмий комиссияга имтиҳонлар топширгач докторлик диссертацияси ёзишга рухсат этилади. Докторликни муваффақиятли ҳимоя қилса, доцент ёрдамчиси, доцент, сўнг профессор унвонини олиши мумкин. Кўрдингизми, бизда фан номзоди деган унвон йўқ.

— Демак, сизларда олим бўлиш учун кўп марта имтиҳон топшириш керак экан-да!

— Худди шундай.

— Ражаббей, сизларда илмий ишларни эълон қилиш қандай!

— Бизда қатор-қатор китоблару кетма-кет мақолалар чиқаришга уриниш йўқ. Олимларимизнинг ҳукумат олдида ҳам, халқимиз ўртасида ҳам ҳурмати катта. Ҳар хил унвонлару, нишонлар кетидан қувиш ҳам йўқ. Олим учун бахт халқнинг мутахассис сифатида тан олинишидир.

— Ражаббей, Сиз дунё кезган одамсиз. Шаҳримиз сизда қандай таассурот қолдирди!

— Тошкент шаҳри менга жуда ёқди. Биринчи келганимда, учоқдан тушганимдаёқ қандайлар илиқликни туйдим. Шунинг учунми, бу қисқа муддатга келганимда яна Тошкентга келишни орзу қилиб кетгандим. Худога шукур, орзум ушалди. Бунинг учун дорилфунун маъмуриятидан миннатдорман. Кўчаларнинг кенглиги, шаҳарнинг қўқаламзорлаштирилгани, дарахтлар кўплигини айтмайсизми? Метро бекатларининг ўзига хос, гўзал безатилганлиги мени мафтун қилди. Шаҳар ўртасидан анҳор оқиб ўтиши ҳам Тошкентга ҳусн бағишлаган. Мен Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлдим, бироқ у ерларда 2-3 кундаёқ зерикдим. Тошкент худди ўз туғилган шаҳримдек бўлиб қолди. Энг муҳими, одамларнинг меҳр-муҳаббати мени ўзига ром қилди.

— Мана яқинда икки давлат Президентлари учрашдилар. Шу ҳақда фикрингиз ва «Оқшом»хонларга истагингиз!

— Мустақил Ўзбекистон Президенти ҳурматли И. А. Каримовнинг Туркияга бориши менга бир нарсани эслатди. Бир вақтлар бизнинг ҳурматли Президентимиз Турғут Ўзал ҳам Туркиядаги ишбилармонларни йиғиб, Европага борган ва у ердан кўп нарса ўрганиб қайтишган эди. И. А. Каримовнинг Туркияга ташрифи ва икки давлат ўртасида тузилган битим, турклар учун ҳам, ўзбеклар учун ҳам жуда муҳимдир. Бу нарса халқларимизни янада яқинлаштиради. Ҳар йили 1000 талабани Туркияга ўқишга юбориш, Ўзбекистон истиқлоли учун жуда муҳимдир. Мен мана шу тадбирларни тўлиқ амалга ошишига ишонаман ва жуда истайман. Тошкент шаҳри Истанбул шаҳри билангина эмас, бошқа шаҳарлар ва вилоятлар ҳам бир-бири билан биродарлашса ёзувчилар, олимлар, ишбилармонлар кўпроқ бўлса, янада гўзал иш бўларди. Мен «Оқшом» мухлисларига жаҳоний яхшилик тилаб қоламан.

Мушоира

Асаф Ҳолат ЧАЛАБИЙ

Ёғоч одам

Мен ёғочдан ясаган одам
На овқат ея олар ва на гапирар.
Маъюс тош қотган кўзлари билан
Олис-олисларга тикилар.
Мен ёғочдан ясаган одам
Эслар: бир замонлар
Тоза ҳаволардан нафас олгувчи
Нозик-нозик япроқлари бор эди.
Тупроқдан куч олиб ўсгувчи илдиз—
Жажжи-жажжи оғизлари бор эди.
Мен ёғочдан ясаган одам
Ёғочдан — аслидан айро тушди-ю
Бўлди бир одамсифат.
На инсон бўлолди
Ва на бир дарахт?!

Бадри Раҳмий АЮБУҒЛИ

Йўлларга тушайлик, йўлларга

Дейдилар: ўлган эшак қўрқмас бўридан.
Йўқ, ўғлим биз ҳали ўлганимиз йўқ—
Қурашлар домига отайлик ўзни,
Йўлларга тушайлик, йўлларга.
Дўстларнинг сиймосин йўқотдик кўздан,
Лек улар хаёли чиқмас диллардан.
Қурашлар домига отайлик ўзни,
Йўлларга тушайлик, йўлларга.
Қора сув тиззага чиқмасдан,
Оқ парда кўзларга тушмасдан.
Қора қузғун бошларга қўнмасдан.
Қурашлар домига отайлик ўзни,
Йўлларга тушайлик, йўлларга.
Ҳали тўрвамизда болимиз бордир,
Томирда бир қайноқ қонимиз бордир,
Қушдай типирчилар жонимиз бордир,
Қурашлар домига отайлик ўзни,
Йўлларга тушайлик, йўлларга.

Аҳмад Ҳамди ТАЙПИНАР

Нидо

Салом бўлсин биздан гўзал дунёга
Боғда гуллар кулиб юзин очармн?
Чексиз салом бўлсин қўёшга, ойга,
Соя, нурлар сув юзида ўйнармн?
Бари гўзал эди — қор, ёмғир, бўрон,
Бир-бирин қувлашиб ўтгувчи кунлар,
Армонимиз озод қушлар парвози эди,
Мовий кўкда қушлар яна учармн?
Жуда узоқдамиз энди знёдан,
Бола қийқириғи, гулдан, печакдан
Қайтмаган кемалар бўлдик денгиздан
Бизларни сўроқлаб, излаган борми?

Азиз НЕСИН

Кўпайиш

Кўпаяйлик, келинглар,
Бўлакларга бўлиб вужудимизни...
Бир жоним кўпайиб минг жон бўл, исит,
Ёлғизликнинг кўзида кўз бўлиб қотган
«Ташландиқ болалар» эриб кетсинлар.
Кўпайинг лабларим, кўпайинг сонсиз,
Қаровсиз келажакни овутиб ўпинг.
Кўпайинг кўзларим, кўпайиб чексиз,
Бир кам етим дунёни рўйи-рост кўринг.
Қўлларим, бирлашиб қўлларим билан
Кўпайинг, кўпайинг, кўпайинг ҳадсиз.
Майли, бир бор болаларни эркалаб суйинг —
Улар ҳўнграб юборажак уйқусида ҳам.

Туркчадан Ойдин УРОЗАЛИЕВА ва Нафиса СУЛТОНҚУЛОВА таржималари

ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИ

Турк латифаларининг илк ёзма намуналарини XIII—XIV асрга оид бўлган адабий ёдгорликларда кўриш мумкин. Хўжа Насриддин ҳақидаги 43 латифани қамраб олган илк тўплам санаси 1571 йил. Хўжа Насриддиндан бошқа Бекри Мустафо, Бектоший, Қорақуш, Хебеннека каби турк халқ қаҳрамонлари борки, булар ҳақидаги латифаларнинг ўзи алоҳида-алоҳида туркумлардан иборат. Бекри Мустафо эркин фикрловчи, феодал-клерикал ахлоқига қарши курашувчи сифатида тасвирланса, дарвиш Бектоший шариат қонун-қоидаларини бажармовчи, топқирлиги билан қозиларнинг, дин пешволарининг устидан кулувчи халқ қаҳрамони сифатида тасвирланади. Гўл, бераҳм, қайсар ҳукмдорлар ҳақидаги латифалар вазир Қорақуш номи билан боғлиқ. Қорақушнинг калта фаҳмлиги унинг сўзларида, хизматкорларига иш буюришида кўринади. Хебеннеки ҳақидаги латифаларда ҳам содда, гўл одамлар устидан кулинади.

Турк латифалари ичида ўзга халқ оғзаки ижодидан олинганлари ҳам бор, лекин булар маҳаллий шароитга мослаштирилган. Ниҳоятда бой турк латифаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

НИМА ИШИНГ БОР!

Рамазон ойида, куппа-кундуз куни Бектоший дастурхон атрофида ўтириб одамларнинг кўз олдида бемалол овқатланаверади.

— Овқатлангани қандай ҳаддинг сиғди, ахир, ҳозир рўза-ку! — дўқ урди кимдир.

— Менинг нима ишим бор!

— Наҳотки, сен мусулмон эмассан? — пўписа қилди яна у.

— Сени нима ишинг бор? — жавоб берди Бектоший.

АҚЛДАН ОЗГАН

Спиртли ичимликлар ичиш қатъий ман қилинган бир пайтда Бектошийни ўлгудек маст ҳолда ушлаб олиб қозининг олдига олиб келдилар:

— Наҳотки, сен спиртли ичимликлар ичиш мутлақо таъқиқланганлигини билмасанг?

— Мен жиннимман, — деди тишларини ғижирлатиб Бектоший, — ўзим учун жавоб беролмайман.

«МУЪЖИЗА ИНСТРУМЕНТ»

Бектошийнинг хотини ниҳоятда эзма экан. У касал бўлиб эзмалиги чидаб бўлмас даражага етибди. Бектоший врач чақиришга мажбур бўлибди. Касалнинг иссиғи даражасини билиш учун доктор сумкасидан термометр олиб беморнинг оғзига тиқиб, беш минут ушлаб туришни буюрибди.

— Азизим доктор, — дебди эр врачни кузатаётиб. — Шу инструментни қанчага бўлса ҳам менга сотиб кетинг?

ҚАНЧА ИЧГАНСАН!

— Умр бўйи қанча ичдинг? — деб сўрашибди Бекри Мустафодан.

— Худо ҳаққи, умримда бир марта ичганман. Шундан бери бош оғриғи қиламан, холос.

ВИЖДОНИМ ТОЗА

Қози даъвогарнингми, жавобгарнингми ҳақлигини ечолмай боши қотдида, иккаласини ҳам калтаклашни буюрди. Жазо бажарилгач, ҳўрсиниб деди:

— Энди виждоним тоза, қайси бири айбдор бўлса ҳам жазосини олди.

ХОТИНИДАН МИННАТДОРЛАР

— Кимки хотинидан норози бўлса ўрнидан турсин, — дебди воиз қавмларга қараб.

Ҳамма эркаклар дик этиб ўринларидан туришибдию, биттаси қимирламабди.

— Худога шукр, умримда биринчи маротаба хотинидан розн эркакни кўриб турибман — дебди қувониб ваъзгўй.

— Эй ҳожам, — дебди ўтирган киши — сиз янглишяпсиз, хотиним оёқларимни шундай майиб қилганки, ўрнимдан туролмайман, бўлмаса биринчи бўлиб отилиб турардим.

ҚАРЗЛАР

— Айтишларича, сен қарзларингни тўламас эмишсан?

— Ёлғон, мен фақат эски қарзларимнигина тўламайман.

— Ундай бўлса, янги қарзларингни қандай тўлайсан?

— Эски бўлишини кутаман.

Адҳамбек ОЛИМЖОН ўгли тўпларди.

ЯХШИЛИКНИ ХАЛҚ БИЛАДИ

● Одам иш бошида билинади.
● Ёғочни қурт, инсонни дард ер.
● Ақл ақлдан устундир.
● Бир ақлли бош минг бошни сақлайди.
● Кўп яшаган кўп билмас, кўпни кўрган кўп билар.
● Тоғига қараб қор ёғар.
● Тегирмон икки тошдан, муҳаббат икки бошдан.
● Тентак учун ҳар кун байрам.
● Камбағаллик айб эмас, танбаллик айб.
● Яхшилик қил, денгизга от, балиқ билмаса халқ билади.
● Сирингни душман билмасин десанг, дўстингга айтма.
● Сўз бир, худо бир.
● Сув оқади, кўз боқади.
● Тозисиз овга чиққан, қуёнсиз уйга келар.
● Уйқу ўлимнинг қариндоши.
● Берган қўл дард кўрмас.
● Йиртқич қушнинг умри оз бўлар.

Турк халқ мақолларидан.

Маданият хабарлари

«МАЛИКАИ ТУРАНДОТ» ЎЗБЕК ТИЛИДА ГАПИРЯПТИ

Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номли драма театри саҳнасида қувончли воқеа юз берди. Бу ерда итальян драматурги Карло Гоцци комедияси асосида саҳналаштирилган «Маликаи Турандот» асари илк бор томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири. Уни ёш режиссёр Евгений Волобуев саҳналаштирди. Саҳна безакларини рассом Наталья Брин тайёрлади. Асарни ўзбек тилига шоир Эркин Воҳидов ўгирган.

Комедиядаги асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артист Ҳожиакбар Нурматов, артистлардан Доно Бобохонова, Азиза Бекматова, Гулбаҳор Раҳимовалар ижро этишди.

Театр кейинги вақтда Ғарбий Европа ёзувчилари ижодига неча марталаб мурожаат этгани қувончли ҳолдир. Бу билан у томошабинларни ажойиб асарлар билан ошно қилмоқда, уларнинг савиясини оширишга интилмоқда.

САҲНАДА — «МИТТИ»

Ўзбек оперетта санъати шаклланиб, тараққий эта бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа давр мобайнида бундай мусиқали постановкалардан бир нечтаси саҳна юзини кўрди.

Шуни мамнуния билан айтиб ўтиш жоизки, мазкур қувноқ спектакларнинг деярли барчаси атоқли бастакор Э. Солиҳов номи билан боғлиқдир. Ушбу ўзбек оперетталари Тошкент давлат оперетта театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

Санъат кошонаси яқинда яна бир истеъдодли ўзбек бастакори асарини ўз мухлисларига тақдим этди. Маҳорат билан мусиқалар ёзиб келаётган А. Эргашев ўзининг дастлабки оперетта-сини «Митти» деб атади. Ушбу оперетта француз драматурги Ж. Летразнинг шу номдаги пьесаси асосида юзага келди.

Акром АКБАРОВ.
Ўш шаҳри.

Ҳамдўстлик янгиликлари

Таниқли рус ёзувчиси Федор Достоевскийнинг «Жиннлар» асарининг саҳнага қўйилиши театр оламида ўзига хос шов-шув уйғотди. Режиссёр Лев Додин саҳналаштирган, уч кеча намойиш этиладиган бу спектакль Брауншвейг шаҳрида «Театральные формы!—91» халқаро анжуманининг очилишига туртки бўлди. Қизиғи шундаки, қарийб 60 дақиқага қисқартирилган саҳна асари энди тўққиз соат давомида намойиш этилади.

СУРАТДА: саҳна асаридан парча — Ставрогин ролида артист Пётр Семак.

Ю. Белинский сурати. (ТАСС).

КИЕВ. Украина фахрийлар кенгаши республикада кундалик эҳтиёж молларига карточкалар жорий этиш зарурлигини таклиф қилди. Украина фахрийлар кенгаши раёсати республика президентига хат билан мурожаат этиб, нарх-наволар эркинлаштирилаётган даврда аҳоли кам таъминланган табақалари омон қолишининг асосий манбаларидан бири сифатида молларни тақсимлашнинг белгиланган тизимига ўтиш зарурлиги айтилади. Пенсионерлар моддий аҳволи ниҳоятда ёмонлашганлиги муносабати билан раёсат Леонид Кравчукдан фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун қабул этилиши тезлаштирилишини, энг кам пенсия миқдорини республикада белгиланган энг кам иш ҳақига етказишни, коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақни аввалги даражасида сақлаш ёки уни икки баравар камайтиришни сўраган. Республикада салкам 12 миллион пенсионер бор.

УЛАН-УДЭ. Бурятияда, Гусиноозерск ГРЭСида рўй берган авария натижасида уч нафар ишчи қаттиқ куйди. Бу ерда заҳирадаги энергоблокларнинг бирида кўмир чанги портлаган. Текшириш ўтказилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, техника ҳавфсизлиги қондалари қўпол равишда бузилганлиги ана шу ҳодисага сабаб бўлган.

БАРНАУЛ. Олтойдаги барча нон заводлари тўхтаб қолай деб турибди. Ўлка нон заводларининг ходимлари қўшилган қийматдан олинадиган солиқни бекор қилиш, хом ашёларга белгиланган нархлар жорий этиш, бир қанча дўконларда ўз маҳсулотларини мустақил сотиш учун новвойларга имконият яратиш тўғрисидаги талабларни илгари сурмоқдалар. Юзага келган вазиятдан қутилишнинг атиги иккита йўли бор: ўлка аҳолисининг кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган талабларни қабул қилиш ёки нонинг эркин нархларини ўз ҳолига қўйиб юбориш керак. Бу эса очарчиликка олиб келиши мумкин. «Ҳар ҳолда, иккинчи йўл танланса керак, — деди ТАСС мухбирига ўлка маъмуриятининг котиби Владимир Рижков, — биринчи февралдан Олтойда нонинг эркин нархлари жорий этилади».

ЧЕЛЯБИНСК. Челябинск февраль ойидаёқ Америка Қўшма Штатларидан инсонпарварлик ёрдами кела бошлайдиган Россиянинг дастлабки шаҳарларидан бири бўлади. АҚШ халқаро ривожланиш бошқармасининг бу ерга келган вакиллари бугун шуни маълум қилдилар. Океан ортидан келган меҳмонларнинг айтганларига қараганда, бу ерда гап мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги кўпгина шаҳарларга Форс кўрфазидаги можаро вақтида фойдаланилмай қолган жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни олиб келиш ҳақида бормоқда.

Қозоғистон онкология ва радиология илмий-тадқиқот илмгоҳининг аниқлашича, республикада ўсма касалликлари билан оғриётган 30 минг беморнинг 1,5—2 фоизини болалар ташкил этади. Уларнинг тенг ярми касалхоналарга шифо топиши умид қилиб бўлмайдиган ҳолатда келтирилмоқда. Шифокорлар гўдаклар соғлиғи учун қанчалар қайғуришмасин дори-дармон ҳамда зарур тиббий асбоб-ускуналарнинг йўқлиги панд бераяпти. Мутахассислар эса даволашнинг пулли усулини қўллаш яхши натижа беришини таъкидлашмоқда. Яқинда илмгоҳ ходимларининг ишини енгиллаштириш учун хайрли тадбир йўлга қўйилди. Маҳаллий черков ҳар ойда икки марта ўз ҳисобидан ёш беморлар учун нонушта беришин ҳамда ҳар йили 45 минг сўм пул ўтказишни ўз зиммасига олди. Москва Патриархияси ҳам бир марта қўлланиладиган шприцлар билан ёрдам берди. Шифокорлар эса саратон касаллигига қарши жамғарма очишга эришдилар.

СУРАТДА: ҳамшира К. Ибашова касалликка чалинган ёш гўдак танасига дори юбормоқда.

И. Хоботов сурати. (ТАСС).

Сўраган эдингиз...

ТАҚВИМ НЕГА САВДОДА ЙЎҚ?

Жумҳурият журналистлар уюшмасининг нашрлар бўлими бир неча йиллардан бери ўзбек тилида йиртиб (узиб) олинадиган тақвим (календарь) чоп этиб келарди. Аммо январь ойи ҳам ўтиб бормоқдаки, тақвимдан ҳамон дарак йўқ.

— «Ёшим саксон иккидан саксон учга қараб кетди. Шунга қарамай бир ярим ойдан буёқ дўконма-дўкон юриб тақвим излайман, лекин унинг бўлиш-бўлмаслигини ҳеч ким билмайди».

Фотиҳ КАРИМОВ,
меҳнат фахрийси.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси нашрлар бўлимининг мудири Абдусамат Обидхўжаев ушбу мактуб юзасидан бизга қуйидагиларни маълум қилди.

— 1992 йилги ўзбекча тақвимнинг матни ва суратлари фотоусулда Тошкентда тайёрланиб, чоп этиш учун Кострома шаҳридаги «Северная правда» нашриёти босмахонасига юборилган ҳамда босмахона маъмурияти билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ 500 минг нусхалик тақвимнинг ҳар бирини 20 тийиндан нашр қилишга келишилганди. Маълумки, ҳозирги кунда қоғоз нархи ва алоқа хизмати кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис тақвимнинг бадиий безагига, қоғозга, матнини териш ва босишга, контейнерларга ортиб машина ва темир йўл орқали буюртмачиларга етказиб беришга кетадиган харажатларни ҳисоблаб чиқиб, бир нусха тақвимнинг таннархи 1 сўм 16 тийинга тушишини, натижада фойда олиш ўрнига қарийб 100 минг сўм миқдорида зарар кўрилишини аниқладик. Шунинг учун бу йил ўзбекча тақвимни савдога чиқармасликка қарор қилдик.

Исмоил ЗОИРОВ.

Ўзбекистон спорти уфқлари

КЕЛАЖАККА УМИД БИЛАН БОҚАМИЗ

Мустақил диёримизда миллий олимпия комитетининг тузилишини барча спорт ишқибозлари катта хурсандчилик билан кутиб олишди. Бироқ, табиийки, янги бозор иқтисодиёти шароитларида спортнинг тақдири ҳам ўзгача бўлади. Уни маблағ билан таъминлаш, терма жамоалар тузиш, хорижий мамлакатлари билан спорт алоқаларини ўрнатиш, бўлажак олимпиадада қатнашиш, қўйингчи, яна бошқа бир қанча масалалар ўз ечимини кутмоқда. Бу соҳаларда қандай иш олиб борилаётгани билан мушторийларимизни яқиндан таништириш мақсадида мухбиримиз Ўзбекистон республикаси жисмоний тарбия ва давлат спорт комитети раисининг ўринбосарлари Наримон Жалолов ва Игорь Барабанлар билан давра суҳбати ўтказди.

Наримон ЖАЛОЛОВ:

— Давр тақозоси билан Олимпия комитетини тузганлигимиз сабабли ҳозирги биринчи галдаги вазифамиз спорт турлари бўйича халқаро федерацияларга аъзо бўлишдир. Бу ишни футбол, кураш турлари, енгил атлетика, сузиш, гимнастика каби республикамизда энг яхши ривожланган спорт турларидан бошламоқчимиз. Юқорида номлари келтирилган спорт турлари бўйича давлат терма жамоаларини тузамиз. Республика Олий Кенгашининг охирги сессиясида жисмоний тарбия ва спорт ҳақида қонун қабул қилинганлиги энг катта ютуғимиз бўлди. Собиқ иттифоқдош республикалари орасида бизда биринчи ушбу қонун қабул қилинганлиги қувонарли ҳолдир. Бу қонун билан жисмоний тарбия ва спорт давлат аҳамияти миқёси даражасига кўтарилди. Яъни, давлатимиз халқимиз соғлиғини сақлаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини қонунда мустаҳкамлаб қўйди. Ҳозирги оғир иқтисодий аҳволга қарамасдан бизнинг барча таклифларимиз қабул қилинди.

Энди спорт турлари бўйича биринчиликларни ўтказишга, олимпиячиларни тайёрловчи Самарқанддаги иккита, Тошкент ва Чирчиқдаги спорт мактаблари, 8 та олий маҳорат мактаби, республика жисмоний тарбия ва спорт илмгоҳи ва бошқа ўқув даргоҳларига республика бюджетидан салмоқли маблағ ажратилади. Жумладан, капитал қурилишнинг ўзига 4 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Умуман, жами маҳаллий бюджетнинг 1,5 фоиз маблағи спорт майдонларини қуриш, таъмирлаш учун сарфланади. Корхона ва ташкилотларда ҳам спорт-соғломлаштириш ишларига кўпроқ аҳамият берилади. Шу йили Қибрайдаги универсал зал, Титов номидаги олимпия ўринбосарларни тайёрлаш мактабида сув ҳавзаси, манежлар қурилиши ҳамда «Пахтакор» ўйингоҳидаги ёритиш жиҳозлари ўрнатиш ишларини ниҳоясига етказамиз. Ногиронлар учун ҳам бу йил ўтган йилгидан икки баравар кўп — 500 минг сўм ажратилди. Сузиш бўйича икки нафар спортчимиз ва бир енгил атлетикачимиз ногиронлар ўртасидаги олимпиадада қатнашади. Секин-аста спортни профессионаллаштириш ишларини олиб борамиз. Ҳозир унинг тартиб-қоидалари тузиляпти. Асосий вазифаларимиздан бири Туркия, Малайзия, Хитой каби қўшни хорижий мамлакатлар билан спорт алоқаларини боғлаш. Чунончи, бу йил енгил атлетика, футбол ва баскетбол бўйича жамоаларимиз Шинжонга боришади. Уйғуристонлик қўшниларимиз ҳам ўз навбатида республикамизга келиб тажриба ўрганишади. Германия билан ҳамкорликда спорт анжомларини чиқарадиган қўшма корхона очмоқчимиз.

— Игорь Петрович, яқинда Беларусда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг келгусидаги спорт тақдирини белгиловчи кенгашда бўлиб қайтдингиз. Унда кўрилган масалалар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Яқинда Минск яқинидаги Раубичи деган жойда Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Молдова, Туркманистон, Арманистон ва Ўзбекистон республикалари спорт комитетлари раислари иштирокида «Собиқ Иттифоқ мустақил республикаларининг Олимпия ўйинларида ҳамкорликда қатнашиши тўғрисида» деб номланган кенгаш ўтказилди.

Кенгашда иккита қарор қабул қилинди. Келишув бўйича олимпиадада барча республикалар битта жамоа тузиб қатнашадилар. Шу масала бўйича «Спортни бошқариш бўйича раҳбарлар кенгаши» тузилиб, МДҲ республикалари спорт комитетларининг барча раислари ундан ўрин олди. Умуман, кенгашда 300 киши фаолият кўрсатади ва у Москвадаги собиқ Иттифоқ спорт комитети биносига жойлашади.

Иккинчи қарор эса жамоаларнинг олимпия ўйинларига қатнашиш масалалари хусусида қабул қилинди. Халқаро олимпия комитетининг раиси Х. А. Самаранч билан спортчиларимиз олимпиадада ўз олимпия байроғимиз ва гимнимиз билан қатнашиши хусусида келишиб олдик.

Собиқ Иттифоқ спорт федерациялари қошида республикалар ўз спорт федерацияларини тузадилар. Сўнг эса МДҲ аъзолари бўлган давлатлар спорт федерацияларининг президентлар (раислар) кенгашини тузамиз. Ушбу мувофиқлаштириш Кенгаши ҳамма республикаларнинг халқаро мусобақаларда қатнашиши учун ёрдам беради. Энди Ўзбекистоннинг олимпиадада қатнашувига келсак, олдинда бир нечта саралаш мусобақалари турибди. Лекин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, қишки олимпиадада Чирязова ва Удодова иштирок этади, ёзгида эса 23 спортчимиз жаҳондаги энг йирик мусобақаларда ўз маҳоратини кўрсатиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Ҳар бир республика спортчиларининг олимпиадада қатнашиш сарф-ҳаражатларини ўз бўйнига олади. Ўрта ҳисобда ҳар бир спортчининг олимпиадада қатнашуви учун 2 минг долларга яқин пул керак бўлади. Биз ҳам вазирлар маҳкамасига валюта ажратишлари учун ариза бердик.

Кенгашнинг қарорига кўра мувофиқлаштириш кенгаши йил охиригача МДҲ спортчиларига методик ёрам кўрсатади, кадрлар алмашинуви, тажриба алмашишни таъминлайди. Ўйлайманки, ҳозирги бир неча йил ичида мувофиқлаштириш кенгаши зарур. Келгусида эса Урта Осиё, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларининг умумий биринчиликларини ўтказиш ниятидамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

Ҳар тўғрида



ҲАҚИҚАТАН ҳам Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Таиланд, Лаос, Япония ва бошқа мамлакатларнинг халқлари асрлар оша амал қилиб келинаётган расм-русумлар ва урф-одатларни асл ҳолича сақлаб қолганлар. У ёки бу халқнинг ҳар қандай байрами, рақси, фестивали, қўшиғи ўзига хос хусусиятларга эга.

СУРАТДА: Ҳиндистон ярим оролида яшайдиган баъзи элатларнинг рақс тушишда киядиган ниқоби.

•

АМЕРИКА Қўшма Штатларининг энг йирик шаҳри бўлган Нью-Йоркда бошпанасизлар 25 минг нафарни, норасмий маълумотларга кўра эса қарийб 90 минг кишини ташкил қилади. Кейинги 10 йил ичида уларнинг сони 100 фоиз кўпайганлиги жамоатчиликни қаттиқ ташвишлантирмоқда.

СУРАТДА: ахлатхонадан ёзув машинкасини топиб олган уй-жойининг тайини йўқ мана бу қимса вақтини беҳуда ўтказаётгани йўқ. У бевосита кўчанинг ўзида қўлёзмаларни оққа кўчириб пул топмоқда.

ТАСС суратлари.

Муҳаррир Э. М. ЭРМАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимлар учун

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: кечки ва сиртқи факультетларда ижтимоий фанлар бўйича (тарих фанлари доктори, доцент), умумий тилшунослик (филология фанлари доктори, доцент);

мудирлар: инглиз тили факультетининг рус тили ва адабиёти, инглиз тили фонетикаси ва фонологияси, инглиз тили стилистикаси, немис тили фонетикаси (филология фанлари докторлари ёки филология фанлари номзодлари, доцентлар);

доцент: кечки факультет бўйича инглиз тили бўлими (филология фанлари номзоди);

катта ўқитувчилар: кечки ва сиртқи факультетларда фаранг тили (филология фанлари номзоди), инглиз тили услубиёти (филология фанлари номзоди), чет тиллардан дарс бериш йўриқлари (рус ва ўзбек тилларида инглиз тилидан дарс бериш йўл йўриқлари бўйича маърузалар ўқиш), кечки факультетнинг инглиз тили бўлимида фаранг тили тарихи ва грамматикаси, иккинчи мутахассислик сифатида чет тиллар (немис тили), немис тили лексикаси ва стилистикаси, немис тили грамматикаси ва тарихи, немис тили фонетикаси.

ўқитувчилар: инглиз тили тарихи ва грамматикаси, немис ва фаранг тиллари факультетларида рус тили ва адабиёти.

АРИЗА БЕРИШ МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси

35-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

электр газ пайвандчи, бўёқчи, дурадгор касбларига ўқитиш учун ўрта маълумотли йигитларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4,5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ. Стипендия — 175 сўм.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ТУЗИЛМАЛАРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИ НЕГИЗИДА ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ПУЛЛИК ГУРУҲЛАРГА ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛМОҚДА:

КОТИБА-МАШИНИСТКА, иш юритувчи — 3 ой.

— ЭҲМда ИШЛАЙ ОЛАДИГАН КОТИБА-МАШИНИСТКА, иш юритувчи — 4 ой.

— ХОТИН-ҚИЗЛАР КИЙИМЛАРИ (миллий ва замонавий қўйлак, костюм, пальто) **БИЧИҚЧИСИ, ўзбек ва рус тилларида — 3-4 ой.**

Ўқиш тугагандан сўнг ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳужжат берилади.

Манзилимиз: 700081, Тошкент шаҳри, Дўмбробод кўчаси, 74-уй. Телефон: 77-49-53.

30-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

«Трамвай ва троллейбусларни таъмирловчи электр чилангар» ихтисоси бўйича 20 ва ундан катта ёшдаги эркакларни

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсантларга 116 сўм ҳажмида стипендия берилади ва улар шаҳар электр транспортида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Шаҳар электр транспорти ходимларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун Сирдарё соҳилларида дам олиш маскани ҳозирлаб қўйилган.

Шаҳар электр транспорти ходимларининг фарзандлари навбатдан ташқари болалар боғчалари ва яслиларига жойлаштириладилар.

Бошқармада коммунал-қурилиш техникуми негизида «Шаҳар электр транспортидан фойдаланиш ва уни таъмирлаш» ихтисоси бўйича очилган кундузги ва сиртқи бўлим ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Черняков кўчаси, 12-уй.

Телефон: 93-14-07.

ДИҚҚАТ!

«ТУҚИМАЧИ» МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ МАРКАЗИДА

10 ФЕВРАЛДАН 15 ФЕВРАЛГАЧА СОАТ 17.00 ДА

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВАКИЛАСИ

Дилдора ЯҲЁЕВА

ЎЗИНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Беш маротаба муолажага қатнашиб, кайфиятингизни тиклайсиз, юқори нафас йўллари шамоллаши, қулоқ, бурун, томоқ хасталиклари; ошқозондаги яра, жигар, ўт пуфаги ва буйракдаги тошлардан, аёллар бепуштлигидан, қон босим, бронхиал астма, аллергик касалликлардан, нерв ва қон-томир касалликларидан халос бўласиз ва кўзларингиз равшанлашади.

Манзилгоҳимиз: Бобур кўчаси, 45-уй. Тўқимачилар маданият саройи (7, 11, 40, 45, 67, 50, 70, 77, 97-автобуслар, 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар; 4, 7, 9, 28-трамвайларнинг «Фрунзе савдо маркази» бекати). Телефон: 53-36-34.

ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛМОҚЧИМИСИЗ?

МАРҲАМАТ, «ЛЕВЕНТУЛЬ» ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

«ЛЕВЕНТУЛЬ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

ДОИМИЙ ИШГА:

Моторчи-тикувчилар, тайёрловчилар, пойабзалчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Бахт кўчаси, 2-уй (метронинг «Комсомол» бекати), телефонлар: 45-76-53, 45-63-67, 48-52-06;

Космонавтлар шоҳкўчаси, (метронинг «Ойбек бекати), телефон 56-76-07.

«ЛЕВЕНТУЛЬ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ:

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ «АСБОБЛАР ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ» САЛОНИ ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЕС-1841. 02. ЕС-1842. Турба-86М хусусий ЭҲМлари, БК-0010, 0011, Квант-БК, Квант-4с, ПК-16С, БК Вектор 06. Ц. 02 маиший хусусий компьютерлари, УКНЦ-0101, УКН МС-0202, Электроника МС-0511 ўқув синфлари, «КЭК ПДД Плюс» компьютер синфлари, ДНЕПР К 1,0 кучайтиргичи, ИВК билан АГАТ хроматографлари, ИПД босимни узгартиргичлари, МК-51, 60, 71, 85 микрокалькуляторлари, Г4-151, Г4-154, Г4-158 юқори частота генераторлари, Элика С-11, ЭР—12Р2 билан РЦ-А4-1 кўпайтириш аппаратлари ва аппаратнинг эҳтиёт материаллари, Б5-49, Б5-50 қувват блоклари, С1-77, С1-104, С1-114, С1-117/1 С1-127/1, С1-98, С8-19, С-9-8 осциллографлари, Ч3-63, Ч3-69, Ч3-75 частотомерлари, ЛМФ-72 фотометрлари, МИМ-1 рН-летрлари, кўпайтириш аппаратлари учун тонерлар.

ВОСИТАЧИЛИК БЎЛИМИДА **УВК СМ-1803, СМ-1810, суюқ азот олиш учун ЗИФ-1002 ФО мосламаси, трансформаторли-тиристорли стабилизатор бор.**

Манзилимиз: 700096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 78-02-49, 78-02-41

ТОШКЕНТ ФАН ВА ТЕХНИКА УЙИ

(Инқилоб хиёбони, Ленинград кўчаси, 48-уй)

Телефонлар: 33-72-57, 33-21-57)

БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАРНИ

ҚУЙИДАГИ ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

— «ЭРКАКЛАР КИЙИМИНИ БИЧИШ ТЕХНИКАСИ». — **Ўқиш муддати — 3 ой.**

— «ИШНИНГ ЎЗИНИ БИЛАДИГАН АЁЛЛАР» — КИЙИМ БИЧИШ, **шунингдек** МОДАДАН ҚОЛГАН БУЮМЛАРНИ БИЧИШ (3 ой),

— ЛИФТЧИЛАР (2 ой),

— АВТОКЛАВЕРЛАР (1 ой),

— БОШЛОВЧИ ИШБИЛАРМОНЛАР (2 ой),

— САНОАТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ (1,5 ой),

— ИНГЛИЗ ТИЛИ (3 ой),

— НЕМИС ТИЛИ (3 ой),

— ЎЗБЕК ТИЛИ (3 ой).

Ҳурматли Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!

агар сизларда автомобилда юк ташиш муаммоси туғилса (уй анжомлари, мебель, қурилиш моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқалар)

«Тошкентшаҳартрансэкспедиция» корхонаси

СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Сиз уйингиздан туриб 96-19-32 ва 96-16-20 телефонлари орқали барча турдаги автомобилларни буюртма қилишингиз мумкин (ГАЗ-24 пикап, ЕрАЗ, УАЗ, ГАЗ-52 очиқ бортли ва самосвал ҳамда ГАЗ-52 мебель ташиш автомобиллари).

Сиз хоҳлаган манзилгоҳга, керакли турдаги автомобиль юборилади. Тўлов ҳақи иш тамом бўлганидан сўнг буюртма паттасига асосан ҳайдовчига тўланади.

Агар сизга бир уйдан бошқа уйга кўчишда юк автомобили билан юк ташувчилар хизмати зарур бўлса, сиз 77-82-01, 77-87-06, 34-63-39 ва 34-63-40 телефонлари орқали буюртмани расмийлаштиришингиз мумкин.

Бундан ташқари «Тошкентшаҳартрансэкспедиция» корхонаси давлат корхоналарига, ширкатларга, кичик ва қўшма корхоналарга ҳамда акционерлик жамиятларига турли типдаги автомобилларни ажратиши мумкин.

Иш ҳақи прейскурантга асосан ҳисоб счетига пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул билан тўланади.

«Тошкентшаҳартрансэкспедиция» хизматидан фойдаланингиз.

Бу жуда қулай ва сизнинг қимматли вақтингизни тежайди.

Биз сизга барча транспорт муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга тайёрмиз.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, Аэродром кўчаси, 5-уй.

Телефонлар 96-16-20, 96-19-32.

«Тошкентшаҳартрансэкспедиция»си.

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

ишлаб чиқариш, техникавий ва иқтисодий хизматларнинг бой амалий иш тажрибасига эга бўлган

ЮКСАК МАЛАКАЛИ РАҲБАРЛАР КЕРАК

Иш танлов асосида битим бўйича бўлади.
Иш ҳақи — шартномавий.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН

камида 4-даражали юксак малакали ишчилар,

таъмирловчи-чилангарлар, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика созловчилари, гидравликачилар, йиғувчилар, электрончи-дастурчилар талаб қилинадилар.

Иш битим бўйича, иш ҳақи — 2000 сўмдан кам эмас.

ШОШИЛИНЧ СУРАТДА ЖОЙЛАРГА БОРИБ ИШЛАШ УЧУН НОГИНСК ШАҲРИ (Москва вилояти)ДАН ЁҚИЛҒИ АППАРАТУРАЛАРИ ЗАВОДИГА; ВЛАДИМИР ТРАКТОР ЗАВОДИ (Владимир вилояти, Владимир шаҳри)ГА; КУПЯНСК ҚУЮВ ЗАВОДИ (Харьков вилояти, Купянск шаҳри)ГА

Олти ойдан ўн икки ойгача муҳлатга:

йиғувчи-чилангарлар, таъмирловчилар, асбобсозлар, фрезерчилар, штампловчилар, сайқалловчилар, қуювчилар, эритувчилар, ичдан ғишт ётқизувчилар, қоқиб чиқарувчилар ва бошқа 50 дан ортиқ мутахассисликдаги ишчилар керак.

КУНИГА 20 СЎМДАН ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТЛАРИ, ЙЎЛКИРА ВА БУЛАРГА ҚЎШИМЧА РАВИШДА ИШ ЖОЙИДАН 1 МИНГ СЎМДАН 3 МИНГ СЎМГАЧА ИШ ҲАҚИ БЕРИЛАДИ.

Заводга 12, 30«э» автобуслар билан борилади («Тошкент мотор заводи») бекати).

Расмийлаштириш бўлими телефони — 98-47-77.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг

«ПРОМСТРОЙИНДУСТРИЯ» БИРЛАШМАСИ

1992 ЙИЛДА БУЮРТМАЧИНИНГ МАТЕРИАЛИДАН ГИПС-ҚУЙМА ТЎСИҚЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА **5/II да Жар, 6/II да А. Навоий, Жонимни ол жонгинам, 7/II да Тўмарис, 8/II да Афандининг беш хотини.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — **5/II да Муҳаббат навоси, 6/II да Кампир кетармиш, 7/II да Кулги ва шодлик кечаси, 8/II да Кулги ва шодлик кечаси.**

КИНО

5 ФЕВРАЛЬ

А. Навоий номидаги Санъат саройи — «МАҲКУМ ЭТИЛГАН» (17.00, 20.00), «БОКСЧИ» (19.00, **Ҳинд фильми, кичик зал).**

Фурқат — «АМЕРИКА БУРГУТИ» (17.00, 19.00, 20.30).

Нукус — «СЕВГИ, СЕВГИ, СЕВГИ» (17.30, 20.00).

Тошсовет — «СИНДБОД ВА ЙЎЛБАРС КЎЗИ» (17.00), «БИРГА БАХТЛИМИЗ» (19.00, 20.40).

Москва — «СИТАПУРАЛИК ГИТА» (18.20, 20.40).

6 ФЕВРАЛЬ

А. Навоий номидаги Санъат саройи — «МАҲКУМ ЭТИЛГАН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «БОКСЧИ» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, **Ҳинд фильми, кичик зал).**

Фурқат — «АМЕРИКА БУРГУТИ» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.30).

Нукус — «СЕВГИ, СЕВГИ, СЕВГИ» (12.00, 13.00, 17.30, 20.00).

Тошсовет — «СИНДБОД ВА ЙЎЛБАРС КЎЗИ» (9.30, 11.00, 13.00, 15.00, 17.00), «БИРГА БАХТЛИМИЗ» (19.00, 20.40).

Москва — «СИТАПУРАЛИК ГИТА» (11.00, 13.00, 16.00, 18.20, 20.40).

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, шаҳар 1-юқумли касалликлар клиник шифохонаси маъмурияти ва жамоаси касалхона бўлим мудири **Раъно Камоловна ХУЖАЕВА**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

© 50.491 нусхада чоп этилади © Нашр кўрсаткичи 64690. © Буюртма № 13 © Босмага берилиш вақти 11.30. © Босмага берилди 11.30. © 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10